O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIT... PALATASI
INV.№

Milliy tiklanish — millat kelajagi

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 13 may, Juma

9 (315) son

ПАРТИЯ – ҲАРАКАТДАГИ ЖАРАЁН

Ҳар қандай сиёсий партия ҳаракатдаги жонли жараёндир. Фикрлар алмашинуви, баҳс–мунозара бу жараённинг қони ва жони десак янглишмаймиз. Кези келганда, йиғилишларда, учрашувларда илгари сурилган биргина ғоя, биргина таклиф, ҳатто биргина савол қарашларни ҳаракатга солиб юборади, сўзни амалиётга айлантиради. Сиёсий партиянинг ғоятда муҳим вазифаларидан бири ҳам шу, яъни сўз ва ғояларни сиёсий мақсадларга айлантириш, фикрларни амалиётга жорий этиш!

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг апрел ойида бўлиб ўтган пленумидаги чиқишларга қулоқ солиб ўтириб ана шундай хаёллар кўнгилдан кечди, ён дафтаримга қайд қилган иқтибосларни газетхонларимиз билан баҳам кўришни лозим топдим.

ХУРШИД ДЎСТМУҲАМЕДОВ,
Марказий кенгаш раиси:

— Партиямизга билдирилган юксак ишончни етарли даражада оқлаш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак. Ёз ойларига чиқиб, «Миллий тикланиш» партияси 10 ёшга тўлди, — деган бир кўтаринки кайфиятда гўзал тадбирлар ўтказишимиз керак. Вақт яшин тезлигида ўтаяпти, биз эса майда–чуйда ҳиссиёт–ларга ўралашиб қолиб, катта вазифалар билан шуғуллана олмай қоляпмиз. Тошкент шаҳрининг бир неча маҳаллаларида бўлиб ўтган йиғилиш ва учрашувлар вилоятларда, олис туманларда давом этмоғи лозим.

ҚАЛАНДАР АБДУРАҲМОНОВ,
В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академияси Тошкент филиали ректори:

— Партиянинг олдига қўйилаётган вазифаларни жадал амалга ошириш учун сафимизни ёшлар ҳисобига тўлдиришимиз жуда зарур. Партия фақат сайловолди кампаниясида эмас, доимо ҳаракатда яшамоғи керак. Институтимизда партиямизнинг мустаҳкам блокини тузишга киришдик. Саф–ларимизни кенгайтиришга киришар эканмиз, сон билан бир вақтда сифатни ҳам унутмаслигимиз лозим.

АШУРАЛИ ЖЎРАЕВ,
«Муштум» журнал»и ва «Афанди» газетаси бош муҳаррири:

— Сайловдан ўтмаган сафдошларимиз ўзларини партия фаолиятидан четга олишлари эътиқодсизлик. Қаттиқроқ ва тўғрироқ гапларни айта олмасак партиянинг иши юришмайди. Чекка–чеккада гап–сўз қилиб юришлар ўшандай кишиларнинг ўзларига ҳам, партиянинг шаънига ҳам тўғри келмайди. Партиямизнинг нашри бўлган газетани, унинг қиёфаси, мазмуни, мундарижасини кескин замонавийлаштириш зарур деб ўйлайман.

ШАРИФА САЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

— Манфаат учун партияга кириш–кўзбўямачилик. Бизнинг Тошкент вилоятида партиямиз аъзоларининг сони 15000 дан ошиб кетди. Туманларда иш қизғин. Очиғини айтсам, бизда аёлларимиз кўпроқ фаоллик кўрсатишмоқда. Гарчи, энг муносиб номзодларимиз сайловлардан ўтолмай қолган эсалар–да, уларнинг ҳеч бири тушкунликка тушмади, аксинча янада ғайрат билан фаолият юритишмоқда.

АБДУСАЛОМ УМАРОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси:

— Йиғилишимиз ҳам ақл, ҳам қалб билан ўтаётганидан мамнун бўлиб ўтирибман. Партиямиз миллатни юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшса ва халқимизнинг шон–шуҳратини дунёга танитса деймиз. Шу маънода партиямизнинг ўқ илдизи жуда тўғри.Мавсумбозлик партия ишида ярамайди. Яхши анъаналарни сақлаган ҳолда янги–янгиларига интилиш керак.

ДИЛБАР ҚОБИЛОВА,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши аъзоси:

— Партиямизнинг фахри бўлган устозлар йиғилишимизда кўринмаётганидан афсусланиб ўтирибман. Ваҳоланки, «Миллий тикланиш» партиясига оддий ишчиларимиз ҳам ўзгача қизиқиш билан муносабат билдиришаяпти, оқсоқолларимиз киришяпти. Бундан фойдаланиб, партиямизнинг энг эзгу вазифалари, мақсад–маслагини аҳолига етказиш бурчимиз.

ЖАННАТ ТОШМАТОВА,
ЎзМТДПнинг Ёшлар қаноти масалалари бўйича котиби:

— Мен хориждаги сайловларда иштирок этганман. Дунёдаги энг илғор сайлов анъаналари бизга ҳам етиб келаётганидан севиниш керак. Шахсан ўзим партия сафида таниқли ижодкор шахслар борлигига ҳавас қилиб, «Миллий тикланиш»га аъзо бўлган эдим. Бутун куч–ғайратимни бағишладим, партия ишига. Назаримда, партия ишида аъзоларнинг, фаолларнинг ўзаро ёрдами, қўллаб–қувватлашини йўлга қўйишга эҳтиёж сезилмоқда.

МУҚИМЖОН ҚИРҒИЗБОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси:

— Бундай йиғилишларда жиддий ва салмоқли вазифалар белгилаб олиниши керак. Партиянинг салмоғи нима билан ўлчанади? Аъзоларининг сони билан! Одамларни манфаат ҳаракатга келтиради. Сиёсий, маънавий ва ҳоказо манфаат. Партия ўз аъзоларининг ғояларини ҳимоя қила билмоғи керак. Партия манфаатлар ташувчи ташкилот. Партия аниқ табақа вакиллари манфаатлари ҳимоясини зиммага олса, курашга шай турса, унинг сафлари мустаҳкамланаверади. Ҳақиқий партияга ҳеч ким хиёнат қилмайди.

БАХТИЁР МЎМИНОВ,
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

— Вилоят кенгашлари идорасини мустаҳкамлаш керак. Газетамизни жонлантиришга ҳамма ўз улушини қўшмаса аҳвол чатоқ. Газетамизни одамларга танитиб олсак, уни ўқишади, албатта. Марказий кенгаш идорасини шакллантириш ҳам кечикиб кетмоқда, ваҳоланки, бу ҳақдаги таклифларимиз тақдим этилганига бир йилдан ошмоқда. Агар мана шундай йиғинларимизда билдирилган мулоҳазалар қолиб кетмаса, мунозарали таклифлардан фойдали хулосалар чиқарилса, партиямизнинг нуфузи ҳар қачонгидан ортиб кетишига ишонаман!

Суҳбатни мухбиримиз Ўринбой КЕНЖАЕВ ёзиб олди.

УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН!

—Уруш башариятнинг бошига солган изтироблар ҳеч қачон унутилмайди, — деди Президентимиз Ислом Каримов 9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдонида сўзлаган нутқида.—Минг афсуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан–йилга камайиб бормоқда. Биз учун барча ота–боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаёти ғанимат. Уларнинг умрини узайтириш, ҳар томонлама мазмунли ҳаёт кечиришлари учун ҳисса қўшиш, бундай эзгу ишларни амалга ошириш, айниқса, «Сиҳат–саломатлик йили» деб эълон қилинган жорий йилда барчамизнинг бурчимизга айланишини истардим.

Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганларидек, жангтоҳлардан омон қайтган оталаримиз саноқлигина, уларни қадрлайлик, улар яшаши керак!

82 ёшли Собиржон Бадалов ҳам минглаб юртдошларимиз қаторида Иккинчи Жаҳон урушида қатнашган. Собиржон ота Берлингача бўлган жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Урушдан сўнг 60 йил қишлоқ хўжалиги соҳасида сидқидилдан меҳнат қилган отахон ҳозирда 60 нафар набиранинг бобоси. 10 нафар ўғил–қизни тарбиялаб, вояга етказган С.Бадалов «Нуроний» жамғармасининг Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Суратда: Собиржон Бадалов умр йўлдоши Мақсуда ҳожи она билан.
Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

БУГУН ЖАҲОНДА

Куни кеча 58–Канн фестивали очилди. Бу йилги фестивал ўтган йилгиларидан фарқли томонлари билан кенг оммани ўзига қаратди. Фестивалга 21 давлатдан ташриф буюрган киношунослар, жами 60 га яқин фильмларни ўзлари билан олиб келишди. Улар ичида ҳужжатли, бадиий, анимацион ва мультипликацион фильмлар бор. Фестивал 23 май куни ўз якунига етади.

* * *

Украина Республикаси Президенти Виктор Ющенконинг телевидение орқали тўғридан–тўғри томошабинлар билан бевосита мулоқоти бўлиб ўтди. Икки соат давом этган савол–жавобни хусусий каналлар: «Ай–Си–Ти–Би», «Янги канал», «СТБ»лар олиб кўрсатди. Бундай ҳолат Украина мустақиллик йилларидаги биринчи мулоқот ҳисобланади.

* * *

12 май тонгида Япониянинг жанубий–ғарбий ҳудудида Рихтер шкаласи бўйича 4,5 балли ташкил этган зилзила рўй берди. Япониялик метеорологлар бу ҳодисанинг бир неча кун олдин бўлиб ўтишини айтишганди. Қурбонлар ва зилзиладан жабр кўрганлар ҳақида маълумот йўқ.

* * *

Машҳур поп юлдузи Майкл Жексон устидан олиб борилаётган суд жараёни яна давом этадиган бўлди. Ўсмир йигитларни зўрлаганликда айбланаётган Жексонга нисбатан навбатдаги кўрсатмалар чоғида, айнан ўсмир йигитларнинг оналари Майкл билан яқин дўст эканликларини айтишди. Суд бу ҳолатни ўрганиб чиқиш мақсадида ишни кейинга сурди.

«Миллий тикланиш» партиясининг 10 йиллигига

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДОИМ НАВҚИРОН

Келажаги буюк ва суюк Ватанимиз мустақиллигининг залворли 14 йиллик тўйи тобора яқинлашиб келаётган шу файзиёб кунларда мамлакатимизнинг, миллатимизнинг маънавий бирлигини, миллий истиқлол ғоясини ўзида ифода этган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси 2005 йил 3 июнда ўн ёшга тўлади.

Халқнинг маънавий ва ижодий қувватини бирлаштириш ва уни эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этиш ҳар бир давр–нинг, яна ҳам аниқроғи, миллатнинг, давлатнинг, жамиятнинг, шунингдек, ҳар бир партиянинг бирламчи вазифасидир. Ўн йилдирки, «Миллий тикланиш» партияси ҳам ана шу улуғвор вазифани амалга оширишга баҳоли қудрат хизмат қилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг Қўшма мажлисида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига катта ишонч билдирди. Айниқса, юртбошимиз вақт ва замон тақозоси билан бошқа партиялар номларини ўзгартириб кетиши мумкин, лекин миллий тикланиш ғояси мангу ғоялардан бўлгани туфайли бу ном ўчмасдир, деган мазмундаги фикрларини эшитганимда барча партиядошларим каби қалбим фахр ва фараҳга тўлди.

Дарҳақиқат, миллат ва халқ бор эканки, миллий тикланиш жараёни мунтазам ҳаракатда бўлади. Миллат ва халқ бор эканки, ўтмиш ва келажак, аждодлар ўртасидаги ворисийлик, уларнинг ягона мақсади–Ватан ва халқ манфаати йўлидаги узвийлиги, муштараклиги давом этаверади.

Зеро, миллий тикланиш бу ҳар бир инсоннинг ботиний ва зоҳирий туйғусидир. Ватанимизнинг боқий мероси бўлмиш миллий қадриятлар умумбашарий анъаналар билан халқимиз удумлари ўртасидаги ғоявий кўприкдир. У жамиятдаги турли партиялар ва ҳар хил эътиқоду дунёқарашдаги кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги, бағрикенглиги, умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлигига хизмат қилади.

Ҳар бир миллат ўзига хос удуму қадриятлари билан бир–биридан ажралиб туради. Миллий қадриятлар оилавий–маиший урф–одатлардан тортиб миллий давлатчилик қурилишигача бўлган улуғвор йўналишларни қамраб олади. Зеро, бизда узоқ мозийдан шаклланиб келган аждодларимизнинг миллий давлатчилик маҳорат мактаби–давлат қурилишининг ўзига хос анъаналари ва удумлари мавжуд. Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо ҳамиша юртни бирлаштиришга интилдилар. Давлат яхлитлиги ва мустақиллиги ғояларини ёқладилар.

АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтоннинг рафиқаси Хиллари Клинтон хоним мамлакатимизга келганида, унинг бир асари ўзбек тилига таржима қилинди. Асар билан танишиб, муаллиф маҳалла–маҳалла бўлиб яшашни орзу қилишини тушундим. Маҳаллага уюшиб яшаш халқимиз учун узоқ мозийдан давом этиб келаётган миллий қадриятлар ва анъаналар ва удумлар ва ҳоказо манфаат. Партия ўз аъзоларининг ғояларини ҳимоя қила билмоғи керак. Партия манфаатлар ташувчи ташкилот. Партия аниқ табақа вакиллари манфаатлари ҳимоясини зиммага олса, курашга шай турса, унинг сафлари мустаҳкамланаверади. Ҳақиқий партияга ҳеч ким хиёнат қилмайди.

дир. Хорижликлар учун эса у орзудаги фуқаролик институтидир.

«Бир болага етти маҳалла ота–она», дейди халқимиз. Таъбир жоиз бўлса, оналик ва болалик, гўзаллик, қадр–қиммат ва ҳаёт мезонидир. Келажакни муқаддас билган, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт учун ўзини қалқон қилиб фидойилик кўрсатолган халқимиз учун баркамол фарзанд тарбиялашнинг ҳам халқона удумлари мавжуд. Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ азалий қадриятларимизга монанд соғлом фарзанд тарбиялашга алоҳида эътибор берила бошланди. Ҳеч бир мамлакатда бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди ва соғлом авлод тарбиясини умумхалқ ҳаракатига айлантириш вазифаси қўйилди.

Ҳамамизга мактаб дарсликларидан таниш мумтоз бадиий обида «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳоднинг мислсиз жасоратини, Ватан ишига камарбаста матонатини ёки Ширин ва унинг ўн канизаги таърифу тавсифини бир эсланг.

Дилорому Дилоро–ю Дилосо,
Ғуландому Суманбў–ю Сумансо,
Паричеҳру Паризоду, Париваш,
Парипайкар зиҳи ўн исми дилкаш.

Буюк шоир Алишер Навоий ўз достонида ўн канизакнинг ҳар бирида орзу–ҳавас қилгудек фазилатлар борлигини ва уларнинг бари Ширинда мужассамлашганини фахр билан куйлайди. Ҳар бири битта йўналиш–фиқҳ, тарих, физика, мантиқ, илми нужум каби фанларнинг етук соҳибалари бўлмиш канизаклар Фарҳодни саволга тутадилар. Фарҳод ҳозиржавоблиги билан камолот соҳиби эканлигини намоён қилади. Ҳазрат Алишер Навоий назидаги миллатнинг баркамол фарзандлари Фарҳод, Ширин ва ана шу қизлар образида мужассамдек кўринади. Соғлом фикрловчи, ҳам жисмонан, ҳам маънан гўзал–илмий салоҳиятга эга фарзандлар юрт келажаги бўлишини мутафаккир шоиримиз орзу қилган бўлса ажаб эмас.

Ўз иқтидорини намоён қилаётган ёшларга, олий ўқув юртларида намунали ўқиётган талабаларга Президентимизнинг стипендияси берилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» дастурларида таълим–тарбияни юксак даражага кўтариш йўл–йўриқлари аниқ белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг «Оила» кодекси оилалар мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий негизи бўлди. Истеъдодли ёшлар учун «Ниҳол» ва Зулфия номидаги Давлат мукофотлари таъсис этилди. Юртбошимизнинг «Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деган мунаввар сўзларига ҳамоҳанг амаллар бажарилди. Бизнинг партия ҳам миллий қадриятларни халққа сингдириш оиладан бошланади деб белгилаб қўйгани ҳам бежиз эмас.

Шарқ ҳамда Ғарб фалсафаси ҳам ҳар бир жамият миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳисобига бойиб, ривожланиб боради, деб тушунтиради.

Хўш, умуминсоний ва миллий қадриятлар нима? Уни қандай тушуниш керак?

Инсоният мавжуд экан, ҳаёту борлиқ тобора яшнаверади, авлодлар эса алмашаверади. Ўз ибтидосини узоқ мозийдан олган тарих давом этаверади. Одам Ато–ю, Момо Ҳаводан мерос оила деб аталмиш илоҳий мўъжиза; туғилиш, жуфт танлаш, рихлат–сирли салосатини эзгу амаллар ичра бойитиш, гўзал туйғулар қасри ичра яшаб ўтиш, пировардида соғлом фарзандларни камолотга етказиш ҳар бир миллат, халқ ва инсон учун ҳаётий заруратдир, яъни умумбашарий қадриятдир. Лекин халқларнинг асрлар давомида синашта урф–одатлари, анъаналари, тарбияшунослик тажрибалари аждодлар мероси сифатида янги авлодларга туганмас хазина янглиғ ўтаверади. Бу эса миллий қадриятлардир. Яъни, ҳар бир халқнинг ўзлиги, ўзига хослиги демакдир.

Ўзбек халқининг ўзлиги, миллатимизнинг ўзига беклиги абадий бўлсин. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 10 йиллиги қутлуғ келсин!

Раъно ЗАРИПОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Нафосат диёри

«ҚАЛБИ БУТУН ШАХС...»

(Ойбек ва Абдулла Қодирий)

XX аср ўзбек адабиёти тарихида бу икки нурли сиймо алоҳида мумтоз бир ўринни эгаллайди. Абдулла Қодирий биринчи ўзбек романининг муаллифи, Ойбек серқирра ижодкор сифатида ўзбек адабиёти хазинасига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшди. Бу икки адибнинг шахсий ва ижодий муносабатларини таққослаб кўриш фойдадан холи эмас. Ойбек ижодининг аввали бевосита қодирийлар тарбия топган муҳитга, жадид адабиёти, миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намоёндалари анъаналарига бориб тақалади. Айни чоғда, Ойбек ижоди янгича руҳиятга эга.

Ойбек қодирийлар авлоди дуч келган, қатағон машинаси юриб турган даврларга гувоҳ бўлди. Худди жадид ижодкорларига ўхшаб адабий сиёсатнинг турли-турли ўйинлари-нағмаларини бошидан кечирди. 37-йиллар-нинг талотўпларида жабр кўрди, «халқ душмани» сифатида Тил ва адабиёт институтидан ишдан ҳайдалди. Ўша машъум йилларни Зарифа Саидносирова шундай эслайди: «Биз ҳар куни ҳали у, ҳали бу танишимизнинг қамаланганини эшитамиз, кунлар ниҳоятда бетинч... Шу қора қирғин пайтида, айниқса, зиёлилар қирилиб кетдилар... Ойбекни ҳам қамалди, деган гаплар тарқалди. На кундузи ҳаловат бор, на тунда-уйқуда роҳат. Ҳар дақиқа ташвиш, ҳар дақиқа юрак титроқда...

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Усмон Носир, қанча-қанча ёш зиёлиларнинг бари кетди. Халқ маданияти каллаканганди.»

Алоҳида таъкидлаш керакки, Ойбек ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ 30-йиллардаги манбалар юзасидан махсус тадқиқот олиб бориш лозим. Чунки, бу даврда Ойбекнинг аҳволи, адабий танқидчиликнинг унга муносабати яхши эмасди. Қолаверса, барча кўргиликлар тўғридан-тўғри Ойбеклар кўз ўнгида содир бўлаётган эди. Шундай бир муҳитда ижод қилиш, «Қутлуғ қон»дек ажойиб бир романни ёзиш учун ижодкор «қалби бутун шахс» (Ойбекнинг ўз таъбири) бўлиши керак, албатта.

Ойбек ўз дарди дунёсига, ўзининг бетакрор эстетик оламига эга бўлган бир ижодкордир. У икки ўт орасида туриб, 1936 йилда Абдулла Қодирий тўғрисида «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласини ёзди, имкони борича холис фикрлар билдирди ва кўп ўринларда дилидаги ҳақ гаплари, ўзи тушунган ҳақиқатлар юзига сиёсий парда тутишга мажбур бўлди. Бу рисола Ойбекнинг илмий қобилиятини ва айни чоғда, ўша ижтеъдод эгаси билан давр ўртасидаги зиддиятли ҳолатларни намоён этади. Зотан, миллатнинг ойдин фикрли зиёлилари туҳматлар бўрони остида жар ёқасига келтириб қўйилган бир шароитда Чўлпон, Фитрат ва Абдулла Қодирийлар тўғрисидаги мақолалар матнини «типик жадид», «майда буржуазия вакили», «миллатчи», «синфийлик» каби сўзларсиз тасаввур этиш қийин, албатта.

Ойбек: «Илк асарларида Абдулла Қодирий типик жадид эди. Ижодининг биринчи даврлари ҳам буржуа жадид адабиёти ва ҳаракати билан узвий боғлиқдир. Асарларининг идеяси жадидизм идеологияси билан суғорилгандир. Асарларининг мавзулари, идеяларигина эмас, балки уларнинг формал тузилишлари, баъзи хусусиятлари, даражалари ҳам жадид адабиётининг типик намуналарини ташкил этади» деганда ҳақли эди. Ойбек Абдулла Қодирийнинг дастлабки шеърлари моҳиятини ҳам, «Жувонбоз» ва «Бахтсиз куёв» номли асарларининг ғоясини ҳам бевосита жадидчиликка боғлаб тушунтирди.

«Жувонбоз»-бадиий жиҳатдан юксак эмас, аммо унда Туркистон бойлари ва болалари ҳаётининг нақадар тубанлашиб кетганлиги намойиши бор. «Туркистоннинг ўз чирик одатлари-наша, кўкнори, баччабозлик, жаҳолат ва бошқалар етмагандай, мустамлакачи рус буржуазияси томонидан маданият номи билан мустамлака халқига қиморхона, алкагол, фоҳишахоналар келтирилди». Инсонни маънавий таназзулга олиб боradиган бундай ҳолатлар бадиий адабиётда ўз ифодасини топмаслиги мумкин эмасди. Эслайлик, Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесасида айнан пивахоналар билан боғлиқ саҳна бор. Ёки Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида Акбарали мингбоши ва Мирёқуб эпақа тез-тез бориб турадиган, мустамлакачи руслар томонидан очиб қўйилган фоҳишахона тасвирланган эпизодлар мавжуд. Абдулла Қодирийнинг мақсади «Жувонбоз»ни ёзиш орқали ўша ифлос одатларнинг, «миллий хулиган» ва «шарлотан»ларнинг миллат бошига келтираётган зарарини уқтириш эди.

Ойбек адибнинг ижодий йўлини текширар экан, ундаги асосий тенденцияларни , нафосатни аниқ сезади; гоҳо 30-йилар адабий танқидчилиги талаби ва мезонлари доирасига фикрини қамашга мажбур бўлса, гоҳо ўз ички интуитив идроки оқимида, бадиий сезим қувватининг инерцияси билан ҳақиқатни айтди.

«Жувонбоз» ва «Бахтсиз куёв»лар машқи туфайли ёзувчининг қалами чархланиб, «Улоқда» ҳикоясида жиддий реалистик ўзгариш юз берди. Ойбек бу тўғрисида шундай ёзди: «Абдулла Қодирий турмушни кўрсатишда тез ўсади. Насрчиликда унинг усталиги мукаммалашади. 1916 йилларда ёзилган «Улоқда» номли ҳикояси «Жувонбоз» ва бошқа асарларига нисбатан тенглаштирмаслик даражада юқори бир асар. Ёзувчи ҳикоя техникаси, приёмларини эгаллаган. Воқеаларни очиш, буларнинг инкишофи ва ешилиши Оврўпа новелла форма равишидадир. Бу асарда жонли бўёқли образлар учрайди. Кишиларнинг портрети аниқ, қабартиб берилади... «Улоқда» ҳикоясида ташвиқотчининг, воизнинг ўрнини санъаткор олади».

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирийнинг жадидона руҳдаги «Тўй», «Аҳволимиз», «Миллатимга бир қарор!», «Фикр айлагил» деган шеърлари, «Жувонбоз» ва «Бахтсиз куёв» асарларидан кейин ёзилган «Улоқда» ҳикояси адибнинг воқеликни санъаткорона тасвирлаш реалистик тамойили томон юз буриши бўлди. «Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асар»дан (А.Қаҳҳор таъбири) бири бўлмиш «Ўткан кунлар» романининг талқини «биографияси»да Ойбекнинг қарашлари ўзига хослик касб этади.

Ойбек рисоласида Абдулла Қодирийнинг бошқа асарларига нисбатан «Ўткан кунлар»га энг катта ўрин беради (52 бетлик рисоланинг деярли ярми шу романга бағишланган). Ойбек рисолада Абдулла Қодирийнинг бошқа асарларини текширар экан, алоҳида ички тагсарлавҳалар қўймайди. Аммо «Ўткан кунлар»ни «Тарихий роман масаласи», «Халқ массаси ҳаёти», «Тавсифий моментлар», «Сужет», «Тил» каби махсус илмий мавзуларга бўлиб таҳлил этади. Қўйилган масалалар бўйича Ойбекнинг илмий талқинларидан юз фоиз қониқарли жавоб олиш мушкул. Қолаверса, янги йирик эпик жанрнинг пайдо бўлиши ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги олдига янги илмий проблемаларни кўндаланг қўйди. Руҳият моддиятта емиш бўлаётган 30-йиллар муҳитида ёзилган «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласида Ойбекнинг истеъдоди ва илмий салоҳияти яққол кўринади.

Ойбекнинг: «Абдулла Қодирий ўзининг кўп йиллик адабий ижодида бир кўп типлар, инсон образларини яратган ёзувчидир. Унинг баъзи типлари унутилмас, жонли, мукаммал ишланган образлардир» деган фикри чуқур илмий асосга эга.

«Ўткан кунлар»ни кузатаётган Ойбекнинг ўткир нигоҳи қовоқ девонага келиб тўхтайди. Ҳақиқатан ҳам, Абдулла Қодирийнинг маҳорати, санъаткорона қалами қовоқ девона устида ёрқин кўринади. Романдаги кичик бир эпизодда жуда қисқа муддат иштирок этадиган шу образнинг индивидуаллиги ва ёрқинлиги ёзувчининг санъаткорлигига содда бир мисолдир.

1935 йили 10 мартда Абдулла Қодирий «Ёш ленинчи» газетасининг адабий тўғарагида ёш ёзувчилар билан учрашади ва ижодий тажрибасидан сўзлаб беради. Адиб ўз асарлари устида ишлаш жараёни тўғрисида гапира туриб, шундай дейди: «...Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга (деталларга) ҳам аҳамият бераман. Масалан, мен ҳалиги ўрганмоқчи бўлган ерда қанча дарахт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қандай қушлар қайси хилда қўниб турганлиги ва шунга ўхшаш жуда майда нарсаларгача. Биринчи қараганда бу нарсалар ҳеч аҳамиятга молик бўлмайдигандек кўринса ҳам, кейинроқ фойдаси тегиб қолиши жуда мумкин.

Масалан, «Ўткан кунлар»ни ёзиш чоғида Марғилонга боргандимда, бир кўчадан ўта туриб, намозшом маҳалида, доғ қилинаётган зиғирёғининг ҳиди бурнимга урилди, мен буни эсда тутиб қолишга тиришдим. «Ўткан кунлар»нинг бир жойига шу кичкина детални киргизилганида, берилаётган тасвирнинг яна ҳам одам ишонарли бўлиб чиққани эсимда».

Бу суҳбатга Ойбекнинг иштирок этиб, ёзувчининг иш тажрибаси тўғрисидаги гапларини эшиттан ёки эшитмагани бизга қоронғу. Аммо ёзувчининг юқорида ўзи эътироф этган детали қатнашган тасвирий моментни рисолада келтириб: «Бу парчада табиат тасвирига қўшилган «зиғирмойининг аччиқ иси» картинани жуда жонлантирган» дея ёзади Ойбек.

Шунга ўхшаш ўринларда икки улуғ қалб соҳибининг кўнгил садолари ҳамоҳанглик, уйғунлик касб этади. Ойбек Абдулла Қодирий бадиий-эстетик оламини яхши англади. Адиб асарларини талқин ва таҳлил қилишда жиддий ғоявий-бадиий масалаларни ўртага ташлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур рисолада Ойбекнинг танқидий мулоҳазалари ҳам талайгина. Бироқ бу фикр-мулоҳазаларни Абдулла Қодирий тўғри маънода қабул қилди. Ўша рисоланинг асосий тезислари «Тошкент пролетар ёзувчилари йиғилишида» (Н.Каримов сўзи) Ойбек томонидан маъруза сифатида ўқиб эшиттирилади. Йиғилишда Абдулла Қодирийнинг ўзи ҳам иштирок этади. «Шу кечада иштирок этган кишиларнинг хотирлашига кўра, йиғилишдан кейин бир неча ёш ижодкорлар нотиққа ҳамроҳ бўлиб, кўчага чиқадилар. Улар орасида Абдулла Қодирий ҳам бор эди. Ёш ёзувчи ва мунақиллар «Абдулла ака ҳозир Ойбекнинг пўстагини қоқса керак» деган андиша билан уларни зимдан кузатиб борадилар. Аммо Абдулла Қодирийда кенжа ҳамкасбига нисбатан на кек, на ғазаб, на ранжиш аломатлари бор эди. Икки адиб улар кутмаган ҳолда, апоқ-чапоқ бўлиб, қайтага янада ўктам суҳбат қуриб борардилар». Абдулла Қодирий муҳитни, Ойбекнинг ўша пайтлардаги ҳолатини, адабий сиёсатни нақадар чуқур ҳис қилганига шубҳа йўқ.

1966 йилда ёзган бир мақоласида Ойбек Абдулла Қодирийнинг меҳнатга ўчлиги, қаттиқ меҳнат қилиши ва катта боғида тинимсиз ишлашига урғу беради. Ойбек ҳам, Зарифа опа ҳам ўша 30-йилларнинг оғир бўлган шароитида тақсимот дўконида ишраб қолган Абдулла Қодирий ўзига тегишли бўлган асални уларга берганлигини хотирларида мамнуният билан эслайдилар.

Шунингдек, Ойбек ўша мақоласида адиб шахсияти ва ижодига янада теранроқ баҳо бериб: «Абдулла Қодирий истеъдодли, қалби бутун ва ўзига хос равишдаги шахс эди... Абдулла Қодирийнинг прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради» деган фикрларини айтади.

Ойбек романларида Абдулла Қодирий прозасининг таъсири қайсидир даражада сезилади. Хусусан, «Қутлуғ қон»даги Ёрмат, хотини Гулсумбиби ва Гулнорлар образини «Меҳробдан чаён» романидаги Солиҳ махдум, Нигор ойим ва Раъно каби қаҳрамонлар билан қиёсий ўрганиш мумкин. «Талант қанчалик катта, қанчалик қудратли бўлмасин, ҳар нечук юзада бўлмайди, конга ўхшаш ернинг қаърида бўлади. Бу кон-талантни қазиб олиш учун аввало, катта ақл, ундан кейин катта билим, матонат, куч, ғайрат, буларнинг устига дард бўлиши керак». Абдулла Қаҳҳор айтган бу муҳим назарий мулоҳазалар ҳар икки адиб дунёсига ҳам бирдек тааллуқлидир. Зотан, Ойбек ҳам, Абдулла Қодирий ҳам ўзбек миллатининг маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган шахслар сифатида авлодлар қалб тўридан ўрин олади, доимо ардоқланади.

Баҳодир КАРИМ

ИНФЛЯЦИЯ ВА НАРХ

«Инфляция» сўзини кундалик ҳаётимизда тез-тез эшитамиз. Иқтисодиётдан хабари бор кишилар яхши билишадики, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини белгилашда бу жуда муҳим ҳисобланади. Чунки «инфляция» (лотинча inflyatio-шишиш, бўртиш, кўтарилиш деган маънони билдиради) пулнинг қадрсизланиши. Буни салгина илмийроқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, товар пул мувозанатининг бузилиши натижасида муомалада хўжалик айланмаси эҳтиёжларидан ортиқ даражада кўпайиб кетиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлишидир. Инфляция биринчи галда сифати яхшиланмаган ҳолда товарлар шунингдек, олтин ва чет эл валютасининг миллий валютага нисбатан қиммат-лашиши шаклида юз беради.

Масалан, ўтган 2004 йилнинг январ-март ойларида истеъмол нархлар индекси бўйича инфляция даражаси 1,1 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 2003 йилда бу кўрсаткич 5 фоизга етганди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Буни йилдан-йилга юртимиз иқтисодий имкониятлари юксалиб, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Зеро, таҳлиллар ҳам шундан далолат бериб турибди. 2004 йилнинг биринчи чорагида товар нархларининг ўсиши 5,1 фоиздан 0,5 фоизгача, аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизмат 5 фоиздан 4,5 фоизгача пасайгани натижасида бозорлардаги нарх ўсиши ўтган йилгига нисбатан анча паст бўлди.

Келинг, шу ўринда озиқ-овқат маҳсулотларидаги кўрсаткичларни ҳам кўрсак. Масалан, ушбу тур маҳсулотлари 2004 йилнинг уч ойида 0,03 фоизга пасайди. Ваҳоланки, 2003 йилнинг шу даврига нисбатан олиб қараганда, озиқ-овқат маҳсулотлари кўрсаткичи 5,6 фоизга ўсганди. Ноозиқ овқат товарлари нархи 2004 йилнинг бошида 2 фоизга ўсди, бироқ бу 2003 йил билан солиштирганда 1,5 фоизга кам.

Ўтган йилнинг биринчи чорагида уй-жой ва коммунал хизматлари тарифлари ўртача 6,3 фоизга, табиий монополиялар томонидан хизмат кўрсатиш тўловлари эса ўрта ҳисобда 5,8 фоизга ўсди.

Юқоридаги рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодиёти йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Биз ўтган йиллар таҳлиллари ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтдик, холос. Агарда бу борадаги натижаларнинг жорий йилдагисига назар ташласангиз, кўрсаткичлар бундан ҳам юқорироқ эканлигига гувоҳ бўласиз. Бу эса одамларимизнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари яхшиланиб боришига исбот бўла олади десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Д.ТУРДИАЛИЕВА

КАСБИ УЛУҒЛАР

«Сирдарё» ширкат хўжалигига борган кунимиз хўжалик сардори Аҳмаджон Ботировнинг эллик ёшлик таваллуд куни экан. Деҳқон деҳқон-да, туғилган кунини ҳам даласида ғўзаси билан нишонлайди. Бир дам тин олиш нималигини билмайди. Чунки, кузданги натижа бугун ниҳолларни қандай парваришлашга боғлиқ. Аҳмаджон акани самимий қутладик.

Хўжалик нафақат Поп туманида, ҳатто вилоятда ҳам кўзга кўринган илғор хўжаликлар сирасига киради. Ўтган йили ҳар гектар пахта майдонидан 32,8 центнер ўрнига 36 центнердан «оқ олтин» етиштирилди.' Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Хўжалик хирмонлари ғаллага тўлибтошди. Ҳар гектар майдондан 61,5 центнердан сара буғдой олинди. Хўжалик ўтган йили якуни бўйича 96 миллион сўм соф фойда олди. Шундан 33 миллион сўми хўжалик аъзоларига мукофот тариқасида берилди. Уларга 400 тонна буғдой ҳам тарқатилди. Иккита янги «Олтой» ҳайдов трактори сотиб олинди.

Раҳбар тадбирли бўлса даромадга ҳам барака киради. Бундан икки йил аввал Аҳмаджон Ботиров Ак-ционерлик Тижорат «Пахтабанк»нинг туман бўлими раҳбари бўлиб ишларди. Банкнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам жуда яхши эди. Сирдарё ширкат хўжалиги эса бўйнигача қарзга ботганди. Хўжаликнинг 243 миллион сўм қарзи бор эди. А.Ботировни яхши ният билан хўжаликка раис этиб сайлашди. Қисқа муддатда раҳбарнинг ишбилармонлиги шарофати билан барча қарзлар тўланди. Хўжалик деҳқонлари қўли пул кўрадиган бўлди.

—Президентимиз «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деб бежиз айтмаган, —дейди Аҳмаджон Ботиров. Даромадга барака киргач саҳоват-мурувват ишларига ҳам имкон туғилади. Ўтган йилнинг ўзида 50 нафар хўжалик аъзоларига сиҳатгоҳларга бепул йўлланма берилди. Бутун ёшлигини, ғайратини, кучқувватини даласига бахшида этиб, хўжаликда меҳнат қилиб пенсияга чиққан Шарифжон Аҳмаджоновни хўжалик ҳисобидан муқаддас ҳаж сафарига жўнатдик. Деҳқоннинг дуосини олишдан ортиқроқ қувонч бўлмаса керак, дунёда!

Хўжалик даласидаги бир текис барқ ураётган ғўзаниҳолларини кўрган кўз яйрайди. Ғўза далалари тўлиқ озиқлантирилди, яганадан чиқарилди. Бир сидра тўлиқ ишлов берилди. Ҳа, раис айтганидек, деҳқоннинг ишлаган ҳақини вақтида бер-сангиз кифоя-бутун меҳрини даласига беради. Юзим ёруғ бўлса дейди. Ҳосил баракатини яраттандан сўрайди...

Хўжалик худудига кираверишдаги ёзувга кўзимиз тушди: «Пахтакор-касбингни улуғла!»-Бу сўзлар машҳур қаҳрамон пахтакор, раҳматли Мамажон ота Тошматовнинг дил изҳори эканини Аҳмаджон Ботиров ғурурланиб гапирди.

«Дўстлик» ширкатлар уюшмаси ҳам бақувват хўжаликлардан. Хўжаликда 569 гектарга «Денов», С-6524 навли чигит экилган. Эллик гектар майдонга эса чигит андижонча усулда плёнка остига экилган. Ниҳолларга бир марта тўлиқ ишлов бериб бўлинди. Ягана ҳам ниҳоясига етди. Бу мавсумда ҳар гектар майдондан 31,2 центнердан ҳосил олиш мўлжалланган.

Ғаллазорда бошоқ мавжини кўрган кўз яйрайди. Бу мустақиллик ғаллазорлари. Хўжаликда 370 гектар майдонда ғалла етиштирилаётир. Майдонлар уч марта ўғитланди. Насиб этса келгуси ой бошларида буғдойга ҳам ўроқ тушади.

—Фақаттина қишлоқ хўжалигига эмас, ободончиликка ҳам катта эътибор қаратаётирмиз, —дейди хўжалик раҳбари Қамбарали Рапиғалиев. —Туман марказидаги ўзгаришларни кўрганлар тасаннолар айтишаётир. Хўжалик худудида ҳам шундай ободончилик ишларини амалга ошираяпмиз. Паннолар ўзгартирилди. Икки ярим минг туп мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Хўжалик худудидаги 5 та қишлоқни кўркам ва обод ҳолга келтиряпмиз. Худуддаги оталиқ мактаб ва болалар боғчаларига моддий ёрдам берилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 1200 сўм маблағ ўтказилди.

Ҳа, тумандаги барча хўжаликларнинг саъй-ҳаракатлари ғаллачилик, ҳамда пахтачиликни ривожлантиришга ва пировард натижада даромад миқдорини кўпайтиришга қаратилган.

Турғунбой МАҲКАМОВ.
(Муаллиф олган суратлар).

Ҳунар-давлат

ЎЗБЕК ГИЛАМИ ДОВРУҒИ

Гилам тўқиш ўзбек халқининг амалий санъатида қадимий, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган нозик ҳунарлардан бири ҳисобланади.

Бу ҳунар Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Қўқон, Хива шаҳарлари ва унинг атрофларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида қадимдан ривожланиб келган ва ҳозирги кунда ҳам янги шакл ва мазмун билан бойиб келмоқда. Бу жойларда тўқилган ва тўқилаётган гиламлар кўп асрлик миллий анъаналарга эга бўлиб, ўзининг сифати, тўқилиш услуби, ҳажмининг катта-кичиклиги, шунингдек, безаклари-нинг ранг-баранглиги билан бир-биридан ажралиб туради.

Рус элшуноси, мисси-онер Н.П.Остроумов: «Ўзбеклар-тенги йўқ гилкор, уста наққошлар-дир. Улар нозик ва гўзал нақш ишлайдилар, фақат ёрочга эмас, шунингдек, мармартош, металлга нозик ва гўзал нақш солишлари, гиламга, газламага ранг-баранг гуллар, геометрик шакллар туширишларига қараб, уларнинг моҳирликларига қойил қоласан», дея ёзган эди.

Ҳа, юртимизда қадимдан аъло сифат, гўзал ва бадиий гиламлар, сержило шолчалар кўплаб ишлаб чиқарилган. XV-XVI аср ёзма манбаларида ҳар хил гулли ва турли катталикдаги қалин гилам, зилуча, шунингдек, деворга осиб қўйиладиган газлама гиламлари тилга олинади. Амир Темур саройида бўлган испан элчиси Клавихо ўзининг кундаликларида Самарқандда ўз кўзи билан кўрган, асосан қизил гиламлар ҳақида, тарихчи Ибн Арабшоҳ эса, Темур мақбарасининг пойига тўшаб қўйилган шойи ва бахмал гиламлар тўғрисида айтиб ўтади. Гилам тўқиш санъати самарқандликларнинг қадимий, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касб-ҳунари ҳисобланади. Элшунос А.Д.Гребинкиннинг ёзишича, XIX асрнинг сўнгги йилларида Самарқанд вилоятида гилам тўқиш қипчоқ, қутчи, митан, найман ва турк каби уруғларда яхши ривожланган. Агар XIX асрнинг 70-80-йилларига оид архив материалларини кўздан кечирсак, унда Самарқанд вилоятининг чорвадор туманларида яшаган аҳолининг 25 фоизи гилам тўқиш билан шуғулланганликларининг гувоҳи бўламиз. Вилоятнинг бу ҳунарнинг маркази ҳисобланган волостларида тўқилган гиламлар ўзининг ранг-баранглиги, нақшларининг сержилолиги билан бошқа жойларда тўқилган гиламлардан ажралиб турган. Гиламларнинг ўзига хос «Жулихирс» ёки «Айиқ териси», «Гажари», «Терма», «Араби» каби номлари бўлган. Бир квадрат метр гилам тўқиш учун 172 мингдан кўпроқ тугун тугиш, мингларча метр ип тортиш керак бўлган. Шунга қарамай, Самарқанднинг моҳир гиламдўзлари томонидан йилига ўртача 100 тагача гилам ва палослар тўқиганлар. XIX аср охирларига келиб ўзбек гиламига жаҳон бозорларида ҳам эҳтиёж кучайган. Биргина 1900 йилда ўтказилган Ирбит ярмаркасига 100 минг сўмлик гиламлар келтирилган.

1869-1913 йиллар давомида сифатли ўзбек гиламлари Москва, Петербург, Нижний-Новгород, Харьков, Париж, Лондон, Чикаго, Милан, Бардо, Берлин шаҳарларида ташкил этилган жаҳон кўргазмаларида намойиш қилиниб, юқори баҳоланган.

Самарқанд, Андижон, Фарғона, Тошкент ҳунарманд-лари тўқиган гиламлар 1900 йили Парижда очилган жаҳон кўргазмасида намойиш этилиб, уста-ҳунармандлар олтин, кумуш, бронза нишонлар ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганлар.

Ўтган асрнинг бошларида ҳам ўлкада гилам ва палослар ишлаб чиқариш салмоқли ўринни эгаллаган. «Туркистанские ведомости» рўзномасининг 1910 йил, 72-сонида босилган мақолада ўлкада ҳар йили 40 минг дона гилам тўқилиб, Европа, Америка бозорларига ҳам чиқарилганлиги ёзилади. «Народное хозяйство Туркистана» журналида 1920 йил 4-сонида берилган маълумотларга кўра 1919 йили бутун Туркистон бўйича 4 миллион дона гилам, палослар тайёрланган ва турли жойларга чиқариб сотилган.

Бугунги кунда ҳам Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Афғонистон-Самарқанд-Бухоро» қўшма корхонасида ҳам бежирим, пишиқ бахмал гиламчалар тайёрланмоқда. Жиззах шаҳридаги Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган «ЎзЖизАнтеп-ЛТД» фирмасида Бельгия моделига оид гиламлар ишлаб чиқарилмоқда ва бу гиламларнинг харидорлари кун сайин кўпаймоқда. Гилам тўқиш линияларида асосан икки хил ўлчамда 2х3 метрли ҳамда 2,5х3,5 метрли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шу кунгача фирма буюртма асосида қарийб 20 минг квадрат метр ҳажмда Бельгия моделидаги гиламларни ишлаб чиқарди ва ўз харидорларига сотди.

Хива азалдан ўзининг сержило ва сифатли тўқилган гиламлари билан жаҳонга машҳур. Буюк Ипак йўлида гилам энг харидоргир ва энг чиройли мато ҳисобланган. XIII асрларда Хивага ташриф буюрган италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло Хива гиламларини кўриб ҳайратга тушган. У Ўрта Осиёга саёҳати тўғрисида ёзган китобининг 21 бобини Хива гиламларига бағишлаган. Хўш, жаҳонгашта сайёҳ таърифини кўкларга кўтарган Хива гиламчилигининг бугуни қандай?

Ҳозирги кунда «Хива гиламлари» ҳиссадорлик жамияти харидоргир, рақобатбардош гиламларнинг янги туркумларини ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйган. Бугунги кунда бу корхона ўз маҳсулотларини кўплаб чет эл мамлакатларига экспорт қилмоқда. Шу ўринда энг муҳим бир нарсани айтиб ўтиш ўринли. Хива гиламларининг яна бир устун томони шундаки, ҳар бир гиламнинг юзи гўёки тарих китобининг бир варағига ўхшайди.

Нафақат юртимиз тарихида чуқур из қолдирган, балки дунёни илму маърифати, довруғи билан забт этган буюк алломаларнинг сурати туширилган гиламлар мозийдан узоқ ҳикоялар қилади. Хиванинг 2500 йиллигига бағишлаб тайёрланган махсус тўёна гиламлар туркумида Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Исломхўжа минораси, Калта Минор, Кўҳна Арк, Ота дарвоза каби тарихий ёдгорликларнинг кўринишлари маҳорат билан тасвирланган. Қадимий шаҳарга ташриф буюраётган хорижликлар уларга катта ҳавас билан қараб, ўз юртларига эсдалик учун олиб кетишмоқда.

1996 йилда «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти 1 миллиард 501 миллион 574 минг сўмлик ялпи маҳсулот, яъни 333 минг квадрат метр гилам ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда йилига бир миллион квадрат метрдан ошиқ гилам тайёрланмоқда. Ҳар ойда ўрта ҳисобда 110 минг квадрат метр гилам ишлаб чиқарилмоқда. Гиламлар тури 210 дан ошди. Мана бу рақамларга бир аҳамият беринг-а, дастлабки (1977) йили корхонада 12 дастгоҳда 83 минг квадрат метр гилам ишлаб чиқарилган бўлса, яқин келажакда йилига 1,5 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари, 2 минг тонна жун калаваси ишлаб чиқариш режада бор.

Бугунги кунда ўзбекнинг сержило, чўғдек товланиб турувчи гиламлари дунё бозорларидан, ярмаркаларидан, музейларидан кенг жой олганлиги бизни қувонтиради. Гилам тўқувчи қўли гул ҳунармандларимиз ўзларининг янги санъат асарлари билан кейинчалик ҳам ўзбек гиламининг довруғини бутун жаҳонга ёйишига ишонамиз.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

«Ўзпахтасаноат» корхоналарида

ХАРАЖАТ КАМАЙДИ, ДАРОМАД ОРТДИ

«Янгибозор пахта тозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятига ташриф буюрсангиз алвон ҳарфлар билан корхона пештоқига илиб қўйилган: «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган ёзувга кўзингиз тушади. Корхона ҳудудини айланар эканмиз, у жойдаги ободончиликни кўриб ҳавасимиз келди. Нафис дид билан яратилган фавворани айтмайсизми? Пойтахтдан минг километр узоқликда жойлашган корхонадаги боғу роғлар, манзарали дарахтларни кўриб ҳам қувонамиз, ҳам ҳайратланамиз. Жамият раиси Шерали Жумамуродов маънавият ва маърифат залига етаклади. Бу хона ишчи-хизматчиларга ҳақиқий маънавий озуқа маскани бўлибди. Ўша куни Урганчдан бир гуруҳ шоира ва адибалар ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан учрашувга ташриф буюришган экан. Кўнгилларга хушнудлик бахш эттувчи бу ижодий учрашув бизда ҳам жуда катта таассурот қолдирди.

Ҳамроҳимиз «Хоразм-пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Қуронбоевнинг таъкидлашича, «Янгибозор пахта тозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятига Шерали Жумамуродов раис бўлгач, корхонада жуда катта ибратли ишлар амалга оширилган. Режалаштирилган барча молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилишига эришилган. Тола олиш миқдори режадагидан бир фоизга ортган.

Ҳа, Хоразм шароитида чигит экиб, ундан мўл-кўл ҳосил олган пахтакорга минг таъзим қилсангиз арзийди. Ўтган йили тумандаги 648 та фермер хўжаликлари билан 26 минг 600 тонна пахта хом ашёсини топшириш бўйича контрактация шартномалари тузилган. Қувончлиси шундаки, ўтган йили янгибозорлик пахта етиштирувчи барча фермерлар режаларини ошиғи билан бажаришга эришдилар. Туман бўйича 29 минг 11 тонна сифатли пахта хом ашёси етиштирилиб, йиллик режа 109 фоизга ўндаланди.

Хом ашё сифатли бўлса, уни ишлаб чиқарувчилар даромади ҳам юқори бўлаверади. Жамият ўтган 2004 йил якуни бўйича 124 миллион 911 минг сўм соф фойда кўрди. Соф фойданинг қирқ фоизи ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлса, қолган олтмиш фоизи эса акциядорларга дивидент учун ажратилди. Ҳар бир акцияга 1752 сўмдан дивидент тўғри келди. 2003 йилда бу кўрсаткич 1531 сўм бўлганди.

— Бундай натижаларга бизнес режа асосида иш юритиб эришдик, — дейди жамият раиси Шерали Жумамуродов. — Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янги техникани жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишчи-хизматчиларга кўнгилдагидай меҳнат шарт-шароитларини яратиш, ишлаб чиқариш цехларини замонавий усулларда таъмирлаш самара берди. Айниқса, қуритиш-тозалаш цехининг заводга яқин жойга кўчирилгани, тозалаш цехини янги русумдаги пахта тозалагичлар билан қайта жиҳозланганги, барча жабҳаларида электр энергияси тежалганли қўл келди. Тежалгани ўзимизники, деб бежиз айтилмаган. Харажат камроқ қилиниб, даромад кўпроқ олинса қандай яхши.

Кейинги йилларда уруғлик етиштириш борасида ҳукумат томонидан катта тадбирлар амалга оширилаётир, қарорлар қабул қилинди. Уруғлик сифатли бўлсагина, хирмонларга барака киради. Пахтачиликни ривожлантириш, бу соҳадан олинадиган даромад миқдорини кўтариш, албатта, уруғ сифатига боғлиқ. Хоразмнинг ери, иқлим шароити, суви ўзига хос хусусиятга эга. Шунга мос уруғлик тайёрланаётгани боис ҳам вилоят пахтачилигида катта ютуқлар қўлга киритилаётир. Энг асосийси етиштирилган хом ашёнинг саксон фоизидан ортиғи юқори навли. Бу ҳам фермер-пахтакорлар, ҳам уни қайта ишловчилар учун фойдали. Даромад ҳам шунга яраша юқори бўлди.

Бу йил ҳосили учун акциядорлик жамиятида 722 тонна «Хоразм-127», «Хоразм-150» навли чигит тайёрланди. Бу навлар янгибозорликлар синовидан ўтган. Бу мавсумда фермерларга уруғлик чигит етказиб бериш тартиби ўзгарди. Жамият уруғликни бевосита фермерларга яқин жойларда тарқатишни йўлга қўйди. Чигит экиш меъёрлари ҳам қатъий назорат остига олинди. Бу эса фермерларга талай қулайликлар туғдирди. Фермер хўжаликларини ортиқча харажатлардан сақлади. Оворагарчиликлар барҳам топди. Жамиятда тайёрланган уруғлик чигитдан 40 тоннаси Сирдарё вилоятига сотилди.

Ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий тадбирларни ўтказиш, дам олиш ва даволанишни ташкил этиш, болалар спортини ривожлантириш, хайрия ва саховат ишларини амалга ошириш учун сарфланаётган миллионларни ёзсак саҳифалар тўлади.

Ҳа, янгича фикрлаб, янгича ишлайдиган замон келди. Тадбиркорликка эътиборни кучайтириб, тежамкорлик йўлидан борганлар асло кам бўлмаётир.

Бу йил Янгибозор фермерлари яхши ниятлар билан 9 минг 696 гектарга барака уруғи қададилар. Бир текис униб чиққан ниҳоллардан эртага баланд-баланд хирмонлар бунёд бўлади. Бободеҳқон пешона терлари эвазига она замин бағридан оқ-олтин ундиради.

Биз жамият раиси Шерали Жумамуродов билан турли мавзуларда суҳбатлашдик. У фикрларини пардаламай, рўйи-рост айтишга одатланган, соҳасини ва ўз корхонасини жони дилдан суядиган мутахассис экан. Ижодкорни қадрлайдиган, шеъриятни тушунадиганлар билан суҳбатлашсак бағри дилимиз яйраб кетади. Гап гапга уланиб, шеъриятга бориб тақалди. Шерали ака шоир Муҳаммад Юсуф шеърларини жуда севиб, қайта-қайта ўқишини айтди. Ҳа, у билан хайрлашар чоғи шоирнинг «Бободеҳқоним» шеъридаги ушбу мисралар ёдга тушди:

Ер айланар,
ер айланар
Ер айланиб тинмайди,
Яктагингнинг
енгларидан
Тер югуриб тинмайди.
Қўлинг тегмай
бу дунёда
Битта гиёҳ унмайди,
Тин билмаган жоним
менинг—
Бободеҳқоним менинг.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ МУҲИМ

Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази фаолиятидан

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида бозорларимиз ўзимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлиб бораётгани яхши, албатта.

Лекин уларнинг сифат даражаси-чи? Бу савол истеъмолчиларни ҳар доим ўйлантириши аниқ. Ахир уларнинг диди ҳам аввалгидай эмас. Маҳсулотнинг тури, танлаш имкони ҳам кўп бўлганлиги учун харидорлар фикрини ўрганиш, шунга қараб иш тутиш жуда муҳим.

Бу соҳада Қорақалпоғистон Республикаси синов ва сертификатлаштириш марказининг амалга оширган ишлари аҳамиятга молик. Бу ташкилот ҳозиргача бир талай ибратли ишларни амалга оширгани боис кўпчиликнинг тилига тушиб қолди. Хўш, ютуқларга эришишнинг бош омили нимада? Айнан шу савол билан марказ директори Чингиз Худойбергановга мурожаат қилдик.

— Марказимизнинг асосий вазифаси озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, енгил транспортлар, кам қувватли электр аппаратларини синовдан ўтказиш ва сертификатлаштиришдан иборат, — дейди суҳбатдошимиз. — Бундан ташқари, марказимиз мижозларга берган аризаси асосида гигиеник ва ветеринар сертификатларини олишда агентлик хизматларини кўрсатади. Буларга карантин инспекциясининг хулосаси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг ҳам хулосалари кириши мумкин. Кўрсатилган хулосаларни олишда намуналар олиш, керакли ҳужжатларни тўлдириш ва тўплаш марказ ходимларининг вазифасига киради. Мувофиқлик сертификатини олишга келган мижозлар билан ишлаш учун алоҳида хона ажратилган. Янгиликлар ҳам кўп. Масалан, илгаридан ҳудудимизда бўлмаган лабораториялар ташкил-лаштирилиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Шулардан бири енгил автомобилларни синаш лабораторияси. Бу лаборатория ташкил топганидан кейин ҳудудимиздаги енгил автомобиллар маркази-мизда синовдан ўтказилаётган бўлди. Ўтган йили марказимизда мижозлар, истеъмолчилар учун ишонч телефонлари иш бошлади. Бу телефонлар хизмати орқали харидорлар маҳсулот ҳақида тўлиқ ва етарлича маълумот олиш имконига эга бўлишди. Бу ерда биз билан ҳамкорлик қилишни истаган янги мижозларга тушунчалар берилади, уларга муаммоларни ечиш йўлида ёрдам кўрсатилади. Бу билан маҳсулот сифатини яхшилашга ва юртимизга четдан келаётган товарларни саралашга эришмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, ютуқларга эришишнинг бош омили — жамоамизнинг аҳиллиги.

Ходимларимиз ўз ишларини пухта билишади, ҳаммамиз аниқ режалар асосида иш кўрамиз.

Айтилган гапларнинг исботини кўриш мақсадида марказ билан яқиндан танишиб чиқдик. Юқоридаги гапларда муболаға йўқлигига ишонч ҳосил қилдик.

Раҳбар айтганича бор экан, ходимлар хушмуомала, лабораторияларда ҳам мижозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Ишонч телефонларига бўлаётган қўнғироқлар ҳам марказ ва мижозлар ўртасида алоқалар пухта йўлга қўйилганлигини кўрсатиб турибди.

Марказ биносининг тарихи билан қизиқдик. Ташкилотнинг собиқ раҳбари, Олий Мажлис депутати Бахтиёр Кушакаев бошчилигида қурилганига ярим аср бўлган иморатнинг эски архитектураси сақлаб қолиниб, замонавий кўринишга келтирилибди.

Қисқача ҳикоямиз зийрак газетхонларга Қорақалпоғистон сифат ва сертификатлаштириш марказининг қизғин фаолиятини тасаввур қилиш имконини берганига шубҳамиз йўқ. Марказнинг бугунги хайрли ишлари билан танишар эканмиз, ушбу жамоанинг келажаги ёруғ бўлишига ишондик.

М.РАҲМАТОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Тиббиёт янгиликларни ёқтиради

ДАРДГА ДАВО БОР

Фараз қилинг, хонангизда озиқ-овқат қолдиқлари бор, у ёқимсиз ҳид таратмоқда. Бу ҳол сизни, албатта, безовта қилади. Тезроқ уларни хонадан чиқариб ташлашга ошиқасиз. Худди шундай ҳолат инсон танасида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, йўғон ичакларингиз қолдиқ моддалар ёки бошқача қилиб айтганда тошқол(шлак)га тўлган. Лекин сиз буни сезмайсиз. Ўт пуфагингизда зардоб бор, жигарингз фильтрлаш қобилиятини йўқота бошлаган. Чунки, жигар ҳам чиқиндига тўла бошлаган. Бундай вақтда кўнглингиз айнийди, биқинларингизда бир оз санчиқ ва оғриқ сезасиз. Чиқинди моддалар буйрагингизда тўпланса, қон босимингиз ошиб, юрагингизда санчиқ пайдо бўлади. Яна, бундай чиқиндилар натижасида қон томирларингиз ва бўғимларингизда, бутун танангизда оғриқ кучаяди. Баъзан, ўсма касалликлари юзага келиши мумкин.

Сиз касалликни бу даражага етказмайсиз, деган умиддамиз. Демак, ҳар бир инсон танасини чиқиндилардан тозалаб туриши зарур. Тўғри, одам танаси мукаммал яратилган. Унинг ўзи чиқиндилардан тозаланиб туриш хусусиятига эга. Бироқ доимо эмас. Баъзан унга ёрдам керак бўлади.

Орзигул Рустамованинг шифохонасида беморларга ана шундай ёрдам кўрсатилади. Бу ерда беморнинг йўғон ичаги, ўт қопи, жигар, буйрак, бўғимлари, қон томирларидаги чиқиндилар табиий малҳамлар билан тозаланади ва даволанади.

Бу ерда юрак касалликлари, ошқозон-ичак, жигар, ўт қопи, ўт-тош касаллиги, қон босими ошиши, буйрак касалликлари, остеохондроз, бўғим касалликлари, мигрень, гинекологик касалликлар, тери касалликларидан псориаз самарали даволанмоқда.

— Қўлларимнинг териси оқариб қолган эди, — дейди йигирма икки ёшлардаги Гулмира ўйга чўмиб. — Дўгоналаримга қўшила олмай қолдим. Ўн беш йил давомида турли усулларда даволандим. Барибир, фойдаси бўлмади. Орзигул опанинг шифохонасида эса...

Гулмиранинг киприклари қувонч ёшларидан намланди.

Қаранг, бугун даволанаётганимга ўн саккиз кун бўлди, терим тозаланиб, янги тери чиқаяпти!

Касалхона ҳовлисида бу ерга даво истаб келган беморлар билан йўл-йўлакай салом-алик қилдик, бир оз суҳбатлашдик. Тошкент вилояти Чиноз туманининг Т.Эрназаров номли ширкат хўжалиги «Маданият» қўрғонига Орзигул Рутамова раҳбарлигидаги шифо масканини излаб келаётганлар кўп экан.

— Тошкентнинг Лабзак маҳалласиданмиз, — деди пойтахтдан даво истаб келган бемор аёллардан бири. — Яқинда эллик ёшлардаги қўшнимиз шу ерда 12 кун даволаниб, уйга отдай бўлиб қайтдилар. У киши етмиш яшар чолдек бўлиб қолгандилар. Бечоранинг юзлари кўкариб, қовоқлари шишиб кетганди. Ҳансираб, зўрға қадам босардилар. Қон босимлари 240 бўларди. Жигарлари ҳам шишган экан. Даволангач, тетик, бардам бўлиб қолдилар. Ҳаммаси кўз ўнгимизда бўлиб турибди. Биз ҳам Орзигул опага ғойибона ихлос қилдик...

Орзигул Рустамова билан узоқ суҳбатлашдик. Оқ халатли, тилаклари ҳам қордек оппоқ шифокор аёл даволашдаги ўзига хос услуби ҳақида гапирди:

— Очлик ва малҳам билан даволаш, халқ табобати, шунингдек, замонавий тиббиёт ютуқларидан кенг фойдаланамиз. Лекин бу шифохонамизда қўлланилаётган ягона даволаш услуби эмас. Мижозларимизнинг хасталикларига қараб, ташхис бўйича уларга алоҳида даво тайинлаймиз. Шифохонамизда терапевт, кардиолог, уролог, реаниматолог, невропотолог, гинеколог шифокорлар беморлар хизматида. Мануал терапия усулидан ҳам фойдаланяпмиз. Ўрни келганда доривор гиёҳлар, табиий малҳамларни ҳам қўллаймиз. Ҳали дунёда биз билмаган табиат мўъжизалари, сир-синоатлари ҳам кўп. Халқ табобатида псориаз — тери оқаришининг ҳам давоси бор экан.

Биз бундай даволаш йўлларини ўрганиб, одамларга фойдамиз тегаётганидан, уларга шифо ва қувонч улашаётганимиздан бахтиёрмиз. Дарди оғир кишиларни кўрганимизда уларнинг танасидаги оғриқ бизни ҳам безовта қилади. Қўлимиздан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Бир ўйлаб кўринг, бемор одамнинг ёнида бўлиш қандай оғирлигини. Унга юпатишгина керак эмас, даво ҳам зарур. Қисқаси, ҳамма қатори ишлаяпмиз.

Орзигул опанинг охирги гапи унинг фазилатларига берилган баҳо бўла қолсин. Биз эса, гапни мухтасар қилиб, дардларга даво истаб яшаётган шифокорни иш жараёнига кузатиб қолдик. Унинг ҳар куни одамларга эзгулик улашиш билан ўтаётганидан қувондик, хайрлаша туриб, мана шундай малакали, тажрибали саломатлигимиз жонкуярлари кўпайишини ният қилдик.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА

ЮЛДУЗЛАРНИ КЎЗЛАГАН САМАНИМ

От! Айғир! Тулпор!

Бири-биридан жозибали номларини эшитишингиз билан кайфиятингиз хушнуд бўладиган бу жонивор инсоннинг табиат ва вақт қаршисидаги ожизлиги яққол сезилиб турган даврларда-ноқ илк дўсти, сафарларида содиқ ҳамроҳи, жангу-жаддларда қаноти, таянчи, кучу қуввати бўлган. Тўғри, техника ривожланган, тезюрар, учқур воситалар ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган бугунги кунда ёшларга бу ҳақда гапириш эришдек туюлар. Лекин бизнинг назаримизда, боболаримизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилган итоаткор ва хокисор, айни дамда шижоатли жонивор бугун ҳам ўз мавқеини йўқотган эмас. Табиатнинг асл табиати сақланиб қолар экан бу мавқе ҳеч қачон йўқолмайди ҳам.

Боболаримиз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Бобурлар миллатимиз шуҳрати, шонини отда мағрур туриб ҳимоя қилдилар. Улар номи от ҳамроҳлигида узоқ-узоқларга учди. Халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиётида ҳам баҳодирларнинг ҳар неки қаҳрамонликлари мадҳ этилган экан, барчасида туёғидан ўт чақнаган тулпорлар ҳақида алоҳида меҳр, фахр билан мадҳиялар айтилган. От бугун ҳам миллат номини спорт оламига олиб чиқишга, авлодлар сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга, деҳқончилик, чорвачилик ривожида хизмат қилишга шай. Унинг шифобахш жиҳатлари, малҳамдек парҳез неъматлари-ни айтмайсизми?

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида от тўғрисида ғоятда меҳрли ҳулосалар баён этилади. Отнинг ёлларига қиёмат куни-гача яхшиликлар боғлаб қўйилганлиги марҳамат қилинади. XI асрда Ғарбий Эрон подшоҳининг набираси Кайковус ибн Искандар ўз ўғли Гилоншоҳга бағишлаб ёзган «Қобуснома»сида чаҳорпой-от хусусида алоҳида ва батафсил тўхталади. Булар, албатта, от қадимдан инсоннинг энг яқин ҳамроҳи бўлганидан, барокатли хусусиятлари бисёрлигидан гувоҳлик беради. Насиҳатномадаги қуйидаги фикр, назаримизда, от ва инсон орасидаги илоҳий яқинлиқдан даракдир: «Эй, фарзанд, агар от олмоқ тиласанг ҳушёр бўл, то хато қилмагайсан-ки, от билан одамнинг зоти бирдек бўлур: яхши от ва яхши одамга ҳар нечук оғир қўйсанг кўтарур, агар ёмон от ва ёмон одамни ҳар нечаким ёмон десанг ҳануз оздур».

Аждодларимиз отни куч-қудрат, мардлик тимсоли деб билишган. Ҳар бир хонадон остонасида тақа, ҳовлисида от боғланадиган якка қозиқ бўлишини, даҳлизида хуржун, уйида эса қамчин осиғлиқ туришини тинчлик-омонлик, хайру барака, тўкин-сочинлик асоси сифатида қадрлашган. Фарзандларимиз соғлом, қўрқмас ўссин дея болалигидан от минишни ўргатишган. Полвон бўлсин дея кўпкари, пойга мусобақаларига йўллашган. Буларнинг ҳеч бири беҳикмат эмас.

Шифокорларнинг эътироф этишларича, от миниб улғайган йигит-қизлар бақувват, қоматлари суқсурдек бўлиб вояга етишаркан. Уларда турли касалликлар, жумладан оёқ, бел оғриғи, бавосил хасталиклари учрамас, жинсий саломатлиги камчиликсиз бўларкан. Отнинг қулоқлари орасидан жаннат шамоли эсиб туради дегани шу бўлса керак-да. Отда қиру адирларни, боғроғларни, гўзал гўшалару дараларни сайр қилишнинг гаштини айтмайсизми? Қимиз, қазининг танга роҳат, дардга малҳам эканичи? Ҳа-я, қимиз сил касалликларига қарши курашда, от эти эса турли шамоллаш касалликларининг олдини олишда, даволашда бебаҳо восита экани табобатдан маълум.

«Бир бия бир йилда ўртача 2500 литр сут беради. Таомилга кўра уни эр киши, кунига 7-8 маротаба соғиб олиши керак. Ҳа, от худди сигир сингари серсут жонивор. Бу эса қимизчиликни йўлга қўйиш имкони мавжудлигидан даракдир», дейди нурободлик от ишқибози Чори бобо Бозоров. Дарҳақиқат, отнинг хосиятли, барокатли жиҳатлари беҳисоб бўлган-ки, қадимдан уни сақлаш, кўпайтириш, халқ селекцияси йўли билан машҳур зотларини яратишга эътибор бериб келинган.

Самарқанд вилояти ҳудудида яратилган универсал йўналишдаги қорабайир зотли отлар ана шу жумладандир. Бу зотли отларнинг ишчи, салт, спортчи типлари мавжуд. Ишчи отлардан ер ҳайдаш, экинларга ишлов бериш, хашак ўриш, жамғариш, юк ташишда кенг фойдаланилган. Миниб юришга мослашган салт қорабайир отлар эса сайру саёҳатларда, ноқулай ҳудудларни босиб ўтишда қўл келган. Спорт отлари чавгон, улоқ чопиш, қиз қувиш, пойга сингари қадимий халқ мусобақаларида, шикорларда полвону мерганлар эпчилликлари, маҳоратларини намойиш этишларида восита бўлган. Ҳар бир типдаги от ўзига яраша парвариш талаб этган. Масалан, Қўшработ туманида Қизилбел йилқиуюрини ташкил этиб, уни кўз қорачиғидек асраб келаётган чавандоз Абдураҳмон полвон Жомбоевнинг айтишича, спорт типидаги қорабайир мусобақага қадар бир неча ой давомида алоҳида қоронғу, ҳаводор оғилда парваришланган. Режим асосида арпа, емиш, хом тухум, қўй қуйруғи бериб борилган. Етилгач, ташқарига чиқарилиб, обдон совитилган. Бундай тайёргарлик, шубҳасиз-ки, беллашувда омадли қатнашиш имконини берган. Полвоннинг айтишича, эгасидан меҳр кўрган тулпордан меҳрли жавоб қайтаркан. Мақсадингизни англаган жонивор сизни уялтириб қўймаслик учун жонидан воз кечишга ҳам тайёр бўлар, йиқилсангиз ёлини тўшаркан. Бу-от эгасини авайлайди, озор етказмасликка уринади, дегани.

Бундай фикрларни эшитиб, ўйга толасан киши: нима учун биз шундай вафодор дўстимиздан узоқлашиб кетдик? Тўғри, мустақилликка эришгач, ҳаётимизда миллий тикланишлар бошланди. Байрамларимиз, қадимий спорт мусобақаларимиз қадр топяпти. Лекин от спортига кам эътибор берилаётгандек. Аслида эса бу масала томон ҳали дадил қадам қўйилган эмас.

Самарқанд вилояти миқиёсида олиб қарайдиган бўлсак, барча тоифадаги хўжаликларда 2003 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра режа бўйича 15017 бош йилқи бўлиши лозим эди. Ҳақиқатда эса бош сони 14720 тани ташкил этди. Бу ўша йили режа 297 бошга бажарилмади, деганидир. 2005 йилнинг 1 январ ҳолатида 14795 бош йилқи мавжуд бўлганлиги эса ўтган икки йил давомида ўсиш ниҳояти 75 бошни ташкил этганини кўрсатади. Ачинарлиси бош сонининг ўтган йилдагиларга нисбатан камайиб кетганлигидадир.

Бугунга келиб фермер хўжаликларида тадбиркорларнинг от кучидан фойдаланишлари ортгани, от спортига қизиқувчи ёшларнинг кўпайиб бораётганлиги отларни кўпайтириш зарурати туғдирмоқда. Нуробод, Қўшработ, Ургут туманларида йилқичиликни ривожлантириш, қимиз, қази тайёрлашни йўлга қўйиш имкониятлари мавжуд. Қўриқхоналар ҳудудларида, сайлгоҳларда, дам олиш масканларида ҳам отда сайр қилиш имкониятлари яратилса қандай яхши бўларди.

Бундан 5-6 йил аввал Самарқанднинг қадимий Регистон, Бибихоним, Шоҳизинда ёдгорликлари ораларигида фойтунлар ҳаракати йўлга қўйилганди. Сайёҳларнинг эътиборини тортган кўнгилочар йўловчи ташиш от-уловлари негадир кўринмай қолди. Балки қадимий шаҳарларимизда ана шундай миллий хизматни расмийлаштириш тўғрисида ўйлаб кўриш керакдир. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дейишади. Нима бўлганда ҳам, инсон табиат фарзанди. Ҳадсиз кашфиётлардан зериккан, ҳориган дамларида онаси-табиат бағрига қайтишни истаб қолади. Шу маънода, от ҳам инсоннинг дўсти, яхши ҳамроҳи. Яхши ҳамроҳни эса, ярим йўлда қолдириб кетмайдилар. Тулпорлар ҳали кўп коримизга ярайди. Фарзандларимизни отлар билан яқинроқ таништириш бурчимиз. Зеро, Алпомишнинг авлодлари Бойчибор насллари жиловидан тутишдан бебаҳра бўлиб қолмасин!

М.ИСМОИЛОВ,
Вилоят ҳокимлиги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси бош мутахассиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
Ҳ.НАРЗУЛЛАЕВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

ДЎСТЛАР

(Охири, боши ўтган сонларда)

Шкипер корзинасида ётарди ва унинг номини ата–ганимда секин–секин боши–ни кўтарди. Тумшуғи озиб–тўзиб кетган, хира кўзлари эса менга четлаб қарарди.

–Қани–қани, азизим! Корзинадан қандай қилиб чиқа олишингни бир кўрсатиб қўй–чи, –дедим мен.

Жек Сэндер калласини лиқиллатди:

–Фойдаси йўқ, мистер Ҳэрриот. У корзинани ортиқ тарк этмайди, уни корзина–дан олаётганимизда бир қадам қўйишга ҳам мадори келмай–ди. Яна бир гап... кечаси у шу ерни булғаяпти. Ҳолбуки, ил–гари у ҳеч қачон бундай қил–масди.

Унинг сўзларидан ажал иси келарди. Мункиллаб қолган итнинг барча аломатлари на–моён эди. Мен мумкин қадар юмшоқ гапиришга уриниб кўрдим:

–Жек, кўп қайғули бўл–са–да, гапириб қўяй, қари–нинг куни биттан кўринади. Соғиниш–қўмсаш бу аҳволга ҳеч бир сабабчи бўлмаса ке–рак.

У жавоб қилмай аввал хо–тинига, сўнгра шўрлик Шки–перга қаради.

–Ҳа, албатта...биз ҳам бу ҳақда ўйлагандик. Лекин у овқат ея бошлар деб, ҳамиша умид қилардик. Хўш...нимани маслаҳат берасиз энди...

Машъум сўзларни оғзимга ололмадим.

–Биз унинг азоб–уқубат тортишига йўл қўймаслиги–миз керак дейман. Унда тери–ю суяк қолган, холос. Ҳаёт унга бирон шодиёналик келтирищи амри маҳол.

–Гапингиз ҳақли кўринади. У уззу кун ҳеч нарса билан қизиқмай шу тахлитда ётга–ни–ётган...

Жек жим қолди ва яна хо–тинига қаради.

–Мистер Ҳэрриот, гап бундоқ. Эрталабгача ўйлаб кўришимизга ижозат беринг. Ҳарҳолда ҳеч қандай умид қолмади, деб ҳисоблайсизми?

–Ҳа, Жек. Кекса итлар тамом бўлиш олдидан кўпинча шундай ҳолатга тушадилар. Шкипер енгилди, холос...бун–дан қутулиб бўлмаса керагов.

У ғам–ғусса билан хўр–синди.

–Эртага эрта билан сак–кизгача сим қоқмасам, уни ҳушсизлантирмоқ учун бир кириб ўтарсиз?

Мен у сим қоқади деб ўй–ламасдим. Шундай бўлиб чиқди. У сим қоқмади. Бу гаплар никоҳ тўйимизнинг дастлабки ойларида бўлиб ўт–ганди. Ўшанда рафиқам Хе–лен шу ердаги тегирмон эга–сига котибалик қиларди. Эр–талаблар кўпинча узундан–узун пиллапояларни босиб, биргалашиб тушардик ва мен уни эшиккача кузатиб қўяр–дим, сўнгра чақирқларга нимаики керак бўлса, шулар–нинг ҳаммасини йиғиб чи–қардим.

Ҳар қачон бўлиб келгани–дек бу сафар ҳам у эшик ол–дида мени ўпиб қўйди–ю, лекин кўчага чиқиб кетиш ўрнига менга диққат бериб қаради:

–Жим, бутун нонушта чоғи индамадинг. Нима гап ўзи?

–Айтарли гап йўқ. Одатий иш, –деб жавоб қилдим мен. Аммо у менга ҳамон диққат бериб қараган эди, Шкипер ҳақида гапириб беришимга тўғри келди.

Хелен елкамни силаб қўйди.

–Ғирт ғам–ғусса–ку, Жим. Муқаррар бўладиган бу кўргуликдан киши кўнглини бундай бузиб юрмаслиги ке–рак. Сен ўзингни тамомила азобга солиб қўясан.

–А–а, бу гапларнинг ҳаммаси менга маълум! Сў–так бўлганимдан кейин нима ҳам қила олардим? Баъзан



ўйлаб қоламан: бекорга ве–теринарлик кўчасига кириб юрганмиканман деб.

–Хато қиласан! –деди у. –Мен сени бошқача бўлишин–гни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайман. Сен қилишинг ке–рак бўлган ишни қиляпсан, қилганда ҳам уни яхши ба–жаряпсан! –у мени яна бир бор ўпиб олди, эшикни очди–ю пиллапоядан югуриб тушиб кетди.

Сэндерлар ҳузурига тушга яқин кириб бордим. Багаж–никни очиб шприцни, ухла–тадиган дори солинган ши–шачани олиб олдим. Ҳарҳолда қари итнинг ўлими оғриқсиз, тинч ўтади.

Кухняга киргач, биринчи кўзим тушган нарса оппоқ, бақалоқ кучук эди. У полда гандираклаб айланиб юрарди.

–Қаердан келиб қолди?..–ҳайрон бўлиб гап бошладим.

Миссис Сэндер менга зў–раки кулимсираб деди:

–Кеча Жек билан гапни бир жойга қўйдик. Мутлақо итсиз қололмаслигимизни ту–шуниб етдик. Шунинг учун ҳам миссис Палмер ҳузурига бориб, ундан Жингони харид қилдик. У киши айни янги туғилган кучукларни сотаёт–ган экан. Тақдирни қаранг, биз уни ҳам Жинго деб атадик.

–Ажойиб фикр! –мен ку–чукни кўтариб олдим, бар–моқларим орасида жилпанг–лади, иҳраб ҳуриди ва чак–камни яламоқчи бўлди. Ҳар–ҳолда бу аҳвол менинг оғир вазифамни енгиллаштирди–да.

–Менимча, сизлар хайрли бир иш қилибсиз.

Чўнтагимдан шишачани сездирмай олиб, нариги бур–чақдаги корзина сари йўнал–дим. Шкипер ҳамон ҳаракат–сиз коптокдек ғужанак бўлиб ётарди. Шундай қилиб хаё–лимга қарийб поёнига етган жараённи бирозгина тезлаш–тираман, деган нажоткор бир фикр келиб қолди.

Резина тиқинга игнани суқиб, шприцни тўлдирмоқчи бўлиб турган эдим, Шкипер бошини кўтарганлигига кўзим тушди. У тумшуғини корзина четига қўйиб олиб, кучук бо–лани кўздан кечираётгандек эди. Унинг кўзи кучукка бо–қиб, секин–секин қимирлар, кучук эса сут қуйилган идишга оқсаб–тўқсаб бориб, уни ша–лоп–шалоп қилиб яларди. Шундай қилиб, итнинг кўз–ларида аллақачон йўқолиб кетган чўғ яна пайдо бўлди.

Мен қотиб қолдим, корги эса икки марта урингач, бир амаллаб оёққа турди. У кор–зинадан чиқишдан кўра, ун–дан умбалоқ ошиб тушди ва гандираклаб кухня орқали ўтди. Кучук ёнига етиб бор–гач, тўхтади, собиқ сергак ит–нинг ачинарли сояси бир неча бор гандираклади ва (мен ўз кўзларимга ишонмадим!) оқ қулоқни оғизга олди.

Кучук болада матонат нима қилсин–Иккинчи Жинго қаттиқ ангиллади. Лекин Шкипер парво қилмай, ҳузур қилиб машғулотини давом эт–тираверди.

Мен шприц ва шишачани яна чўнтакка солиб қўйдим.

–Унга ейдиган бирон нар–са беринглар, –дедим оҳис–тагина.

Миссис Сэндер омборхо–нага югургилаб кетди ва лап–пакда гўшт парчалари билан қайтиб келди. Шкипер яна бир неча секунд қулоқни тортқи–лай берди, сўнгра шошмай кучукни ҳидлаб олди ва шун–дан кейингина лаппакка бу–рилди. Унда луқмани ютишга қарийб куч–қувват қолма–ганди, шундай бўлса–да, гўштни оғзига олди ва жағ–лари секин–секин қимирлай бошлади.

–Э худо! –Жек Сэндер ортиқ чидаб тура олмади. –У ея бошлади!

Миссис Сэндер менинг тирсагимдан тутди:

–Қанақаси бўлди, мистер Ҳэрриот? Биз уйни итсиз та–саввур этолмаганимиз учун–гина кучукни харид қилган эдик.

–Бу нарса шуни билди–ради–ки, сизларда яна ик–кита ит бўлади! –мен эшикка йўналиб елкам орқали эр–хотинларга кулимсираб боқ–дим, улар корги биринчи парчани ютиб, иккинчисига ўта бошлаганлигини сеҳрлан–ган кишилардек кузатиб ту–рардилар.

Орадан саккиз ойлар ўтиб–ўтмас Жек Сэндер менинг ҳузуримга келиб Иккинчи Жингони столга қўйди. Кучук таниб бўлмас даражада ўсиб, зотининг кенг кўкраги–ю, бақувват оёқларини намоён этиб турарди.

Хушфеъл тумшуғи ва дўс–тона ликиллаб турган думи менга Биринчи Жингони дарров эслатди.

–Унинг бармоқлари ора–сига яра чиққан, –деди Жек Сэндер ва Шкиперни столга чиқарди.

Мен беморимни дарров унутдим; семиз, кўзлари шаҳло корги илгариги ғайрат билан бултернинг орқа оёқларини тишлай бошлади.

–Буни қаранг–а! –деб минғилладим. –Худди вақт орқага айлангандек.

Жек Сэндер кулди:

–Гапингиз тўғри. Улар ажралмас дўстдирлар. Худди илгаригидагининг ўзи...

–Шкипер, бу ёққа кел–чи, –мен коргини ушлаб, уни диққат билан кўриб чиқдим. У қўлларимдан чиқиб, жўраси–нинг олдига қайтиш учун ошиқишига қараб ўтирмадим.

–Унинг умри узоқ бўли–шига ишончим комил.

–Ҳақ гапми? –Жек Сэн–дернинг кўзларида қувлик оташи ёнди. –Эсимда бор, анча илгари айтган эдингиз–ки, у ҳаётдан безган, энди аввалги ҳолига қайтмайди, деб...

Унинг гапини бўлдим:

–Гапимдан қайтмайман, қайтмайман. Лекин баъзида киши йўл қўйган хатолигидан ҳам ҳузур қилади.

Инглиз ветеринар дўхтири Ж.Ҳэрриотнинг китобидан Ш.КЎНЧИ таржимаси

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Қуёшли дунёда яшашга интилаётган, нурга талпинаётган лолақизғалдоқлар сизга нималарни эслатди? Адирларга, кенгликларга кетгингиз келмаяпти–ми? Мусаффо осмон, яшил гиёҳлар, кўнгилни қитиқлаб эсиб турган шаббодага бошини тебратиб салом берадиган қизғалдоқларни соғингандирсиз, балки. Шаҳардан бир қадам наридаги қирларга баҳор алвон гилам тўшаб кетяпти. Қизғалдоқлар бизни соғиниб, ҳар куни янги табассум билан бош кўтаради. Уларнинг кулгулари ғанимат. Келинг, вақт топиб, лолақизғалдоқларни кўрғани борайлик! Мен ҳам бугун уларга шундай ваъда бердим.

ИНТЕРНЕТНИНГ ЗАРАРИ БОРМИ?

Бугунги кунда ахборот олиш, узатиш ва янгилик–лардан воқиф бўлиш учун кўпгина оммавий ахборот воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш мумкин. Газе–та, телевидение, радио ин–сонга неча йилдирки хизмат қилиб келмоқда. Буларнинг барчаси XX аср ибтидосида ихтиро қилинган бўлиб, ҳаммасининг ўзига хос ўрни бор. Ушбу ихтиролар ичида XX асрнинг 80–йиллари охирида аввалига ҳарбий мақсадларни кўзлаб яратил–ган, кейинчалик эса ахборот алмашиш тизимининг энг ишончли воситаси сифатида қўлланила бошланган Ин–тернет тизимининг аҳами–яти ўзгача.

Интернетнинг Ўзбекис–тонга кириб келганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у мана шу қисқа давр ичида ҳаётимизнинг муҳим бўлагига айланиб улгурди. Замон талаби ҳам шу: бу–гунги кун кишиси, яъни «Ахборот ва глобаллашув асри» дея аталаётган XXI аср вакили, албатта, интернет–дан фойдалана билиши ло–зим. Бугун пойтахтимиз Тошкент ва вилоятлар мар–казларида кўплаб «Интер–нет–кафе»ларнинг очилга–ни, замон билан ҳамнафас бўлишни истовчилар учун холис хизмат турларини таклиф этаётгани диққатга сазовор. Бу яхши, албатта, бироқ...

Интернет бугунги кунда нафақат ахборот алмашиш, балки ҳордиқ чиқариш во–ситаси ҳамдир. Аммо қандай ҳордиқ чиқариш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. Норасмий маълумотларга қараганда, ўн беш ёшдан ўттиз беш ёшгача бўлган ёшларнинг 80 %га яқини «Интернет–кафе»ларга турли–туман беҳаё филь–мларни томоша қилиш, асаббузар ўйинларни ўйнаш, интим муносабатларга чор–ловчи махсус сайтлардаги мақолаларни ўқиш учунгина таширф буюришар экан.

Пойтахтда жойлашган «Интернет–кафе»ларга қизиқсиниб кирар эканман, деярли барчасида бир ҳо–латнинг гувоҳи бўлдим. Барча мактаб ёшидаги бо–лалар бир–бирлари билан тармоқ орқали душманни ўлдириш каби ўйинларни ўзгача завқ билан ўйнашар эди. Табиийки, маглуб бўл–ган бола ўйиндан норози бўлиб, юзини буриштирар–ди. Катта ёшдаги ўспирин–

лар ҳар хил турдаги киноларни то–моша қиларди: булар–жангари, мистика, эротика ва ҳоказолар. Жангари, саф–сатага бой бўлган кинолар ёш авлод, яъни эртанги кун кишисига салбий таъсир қилмайди деб ким кафолат бера олади. Мутахассислар–нинг билдиришича, зўра–вонликни, ваҳшийликни ўзида мужассамлаштирган ўйинлар бола психология–сига салбий таъсир ўтказа–ди. Болалар интернет–ка–феларда ҳеч қандай назо–ратнинг йўқлиги боис 250 ёки 300 сўм эвазига хоҳла–ган жанрдаги кинофильм–ларни томоша қилиши мум–кин... Буни имкон қадар ўз вақтида олдини олган маъ–қул.

Дунё мамлакатларида ҳам бу муаммо бор. Аммо улар бу салбий ҳолатларни бар–тараф этиш учун бир талай ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, Хитой ҳукумати мамлакат–даги 1600 та интернет–кафе фаолиятига болаларга зўра–вонлик ва шу каби иллат–ларни тарғиб қилувчи ўй–инларни ўйнашга имкон бергани учун чек қўйди. Шанхай шаҳри маъмурияти эса интернет–кафелар фа–олиятини назорат қилиш учун 850 минг АҚШ доллари ажратди.

Исроилда i–Mature фир–маси AGR деб номланувчи мосламани ишлаб чиқди. Бу қурилма Интернет сайтлари учун қўриқчи вазифасини ўтайди. Бунинг учун AGR компьютердан фойдала–нувчининг анатомик кўр–саткичларини ўрганади. Яъни, истеъмолчи Интернетга кириш учун энг аввало бу қурилмага ўзининг ту–гилган муштини намойиш этиши керак. Ақлли қурил–ма ўрта бармоқ суяги ўл–чамига кўра мушт эгасининг ёшини аниқлайди. Агар кўр–саткичлар талабдан паст бўлса, компьютер ишла–майди–қўяди. Митти AGR қурилмаси клавиатура ичига ҳам жойлаштирилган бўли–ши мумкин экан.

Албатта, бундай ишлар фақат ва фақат фойда кел–тиради. Биздачи? Бир ўйлаб кўринг, ҳар хил бўлмағур ўйинларни ўйнаш, беҳаё фильмларни кўриш бола–ларнинг маънавий қашшоқ–лик томон юз буришига са–баб бўлмайдими? Зудлик билан бунинг олдини олиш зарур–ку!

Суннатилла ИСЛОМОВ, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти талабаси.

Футбол атрофида

ШАРЪИЙ ЖАЗО

Саудия Арабистони чемпионатининг навбатдаги ўйини бўлиб ўтди. Унда мамлакатнинг икки гранд жамоалари май–донга тушди. «Ал–Иттиҳод» –«Ал–Аҳли» ўртасидаги баҳ–сда томонлар ўзаро келишолмай қолишди ва ўйин мобай–нида бир–бирларига қўпол муносабатда бўлишди. Тўп учун курашда футболга ёт бўлган тепишлар, итаришлар, ҳақо–ратлашлар якунда ўз кучини кўрсатди. Ўз асабларини жи–ловлай олмаган «Ал–Иттиҳод»нинг икки ўйинчиси–ҳу–жумчи Марзуқ ал Утайби ва ярим ҳимоячи Саид ал Вадани рақиблари билан муштлашиб кетишди. Бир неча кундан кейин Саудия Арабистони футбол федерацияси мазкур иш юзасидан тузилган ҳужжатларни шариат судига топширди. Шариат қонуни эса футболчиларга антиқа жазо қўллади. Жанжалнинг бош айбдори Марзуқ ал Утайбига йигирма кун қамоқ ҳамда йигирма дарра уриш жазоси берилди. Саид ал Вадани ҳам рақибини мушти билан ургани учун бир ҳафталик қамоқ жазоси ва ўн дарра билан «сийланади».

ҚИММАТБАҲО ТЎП

Ҳозир музейда сақланаётган тўплар орасида энг қим–матбаҳоси 1969 йилнинг 19 ноябр куни Пеле томонидан киритилган 1000–гол орқали маълум ва машҳур бўлган тўп ҳисобланади. Футбол қиролининг шахсий рекордини ян–гилаш ҳозирча ҳеч қайси футболчига насиб қилмаган. Бироқ яна бир бразилиялик моҳир футболчи Ромарио бу рекорд натижани янгилаши мумкин. Унинг ҳисобида бугунга келиб 950га яқин гол бор.

Бевосита Пеленинг 1000–голни урган футбол тўпига келсак, ушбу қимматли тўп аукционга қўйилди. Бу тўпга қизиқувчиларнинг кўплигини аукционга келганлар сонидан билиб олса бўларди. Ақли заиф болалар Ассоциацияси уюштирган аукцион залига 200 дан ортиқ харидорлар ке–лишди. Айнан бу ассоциацияга тўпни «Футбол қироли» ўша голни киритганидан кейин совға қилган эди. Бразилиялик бизнесмен Роберту Жустус 22 минг 400 доллар тўлаб, уни сотиб олди.

МУХЛИСЛАР ТАЛАБИ

Яқин кунлар ичида Германиянинг Мюнхен шаҳрида янги қурилаётган Allianz Arena номли ўйингоҳ фойдаланишга топширилади. Келаси йилдан бошлаб эса бу стадионда «Ба–вария» ва «Мюнхен–1860» жамоалари чемпионат ўйинла–рини ўтказишади, 2006 йилнинг июнида бу ерда Жаҳон Чемпионатининг очилиш маросими бўлиб ўтади. Жорий йилнинг май охирларида эса шу шаҳарнинг икки жамоаси стадионнинг очилиш маросимини ўтказишади. Яъни, 30 май куни «Мюнхен–1860» –«Нюрнберг», 31 май куни эса «Ба–вария»–Германия терма жамоаси ўйинлари бўлиб ўтади. Бу учрашувларга қизиқиш жуда катта ва чипталар алла–қачон сотиб бўлинган. Бироқ «Бавария» мухлислари янги стадионда жамоаларининг «Мюнхен–1860»дан бир кун кейин ўйин ўтказишларидан норози бўлишяпти. Мухлис–лар истагини қондириш мақсадида ҳар икки клуб раҳбар–лари 2 июн куни ўтказилиши лозим бўлган дерби–«Мюн–хен–1860» –«Бавария» учрашувида ҳам янги стадион очи–лиш маросимини ташкил этишни маълум қилишди.

С.ТИЛЛАЕВ тайёрлади.

Челакка таваккал қилган зот

Ривоят

Бир куни Хожа Ҳасан Нурий саҳрода эди. Ҳаво иссиқ эди. Йўлда бир дарахт кўринди. Хожа шу томон юрди. Дарахт олдига етди. Дарахт тагида бир қудуқ бор экан. Қудуқни кўриб, хурсанд бўлди. Хожа: «Че–лак бўлса, яхши бўларди, сувдан олиб ичардим», деб ўйлади. Шу пайт бир тўда оҳу кўринди. Қудуқ бир зумда сув билан лиммо–лим тўлди. Оҳулар сув ичиб, ор–қага қайтишди. Хожа Ҳасан сув ичмоқчи бўлиб, қудуққа яқинлашган эди, қудуқ суви пасайиб кетди.

Буни кўриб:

–Илоҳим, оҳуларга сувни қудуқнинг лабига келтириб бердинг, Ҳасаннинг сувини эса қудуқнинг тагига тушириб юбординг, бунинг ҳикмати нима? –деди.

Нидо келди:

–Эй, Ҳасан, сен челакка таваккал қилдинг, бизга та–ваккал қилмадинг. Оҳулар бизга таваккал қилди. Ким–ки, бизга таваккал қилса, дунё ва охиратдаги ҳожат–ларини бажо қилурмиз.

М.РАҲМАТОВ

Гаройиб олам

Атлантидани излаш йўлида

Америкалик миллионер кишилар биргалашиб, ўз маблағларини қадимги Ат–лантида мамлакатини излаш учун сарфлашга қарор қилишди. Атлантида бундан ўн минг йил аввал Ўрта ер денгизида вужудга келган ва ер силкиниши оқибатида айнан шу денгиз тубига ғарқ бўлган. Лос–Анжелеслик ёзувчи ва саёҳатчи Роберт Сармаст бошчилик қилади–ган экспедиция аъзоларининг билдиришича, Кипр давлати мазкур ернинг бир бўлаги ва Атлантида қолдиқларини минг метр чуқурликдан из–лаш лозим экан. Экспедиция бунинг учун махсус сувости лайнерларидан фойдаланиб, кузатиш ишларини олиб боради.

Роберт Сармаст экспеди–ция ишларига ҳомийлик қилаётган бир қатор аме–рикалик миллионерларга ўз миннатдорчилигини алоҳида билдириб ўтди.

Шуни таъкидлаш лозим–ки, ҳозирги ҳаётда бой ин–сонлар пулларини қиммат яхталарга, уй–саройларга, футбол клубларига ишла–таётган бир пайтда бу иш таҳсинга лойиқдир.

Антиқа пойга

Финландиялик бир гуруҳ фермерлар гоҳ–гоҳида чўчқаларнинг югуриш пой–гасини уюштириб келишади. Жониворлар 70 метрлик масофани босиб ўтишлари зарур бўлади. Кўп ҳолларда чўчқалар ўз эгаларини но–қулай аҳволга солиб югур–магани етмагандай финишга эмас бошқа тарафларга қочади. Шунинг учун ҳам пойга пайтида хўжайинларга чўчқаларини ёнма–ён ку–затиб боришларига рухсат берилган. Бу антиқа пойгани ўтказишдан мақсад эса, шунчаки мириқиб кулиш экан.

Аёл меҳри

Вьетнамдаги Рангуна номли ҳайвонот боғида 40 ёшли аёл, уч фарзанднинг онаси Хла Хтай икки шер болаларини кунига тўрт маҳал кўкрак сути билан боқяпти. Шербаччаларнинг ўз оналари эса улардан ало–ҳида сақланмоқда. Гап шун–даки, туғруқ жараёни она шерга салбий таъсир ўтказ–ган. У ўзини ёмон тута бошлаган ва бўкириб, ҳам–манинг эътиборини ўзига қаратган. Боғ ходимлари бу ҳолат тезда ўтиб кетади деб шерга қарашмаган. Бироқ, аҳвол ёмонлаша борган, на–тижада она шер уч фарзан–дидан бирини еб қўйган. Шундан кейин она шер ало–ҳида қафасга қўйилган. Қолган икки шербаччага шиша идишда овқат бериш–моқчи бўлишганда, Хла Хтай ташаббус билан чиқди ва ўз фикрини журналист–ларга қисқа қилиб тушун–тириб берди: «Мени бу шербаччаларга раҳмим келди ва уларни тиши чиққунча боқиб туришга қарор қил–дим».

Вампир-балиқ

Сўнгги беш–ўн йилликда Амазонка сувларида вам–пирлар яшаши ҳақидаги миш–мишлар қисман бўл–сада ўз ечимини топди. Британиялик олимларнинг Жанубий Америка тропик–ларига уюштирган экспеди–цияси пайтида фанга номаъ–лум бўлган балиқ турини аниқладилар. Амазонкадаги бу хавфли йиртқич ўлжа–синнинг қони билан озиқла–наркан. У деярли сезилмай–ди, чунки унинг узунлиги 3 см.га етмайди. Вампир–балиқ бошқа балиқларнинг жабрасига ёпишиб олиб, уларнинг қонини сўради. Уни фақат хирургик йўл билан олиб ташлаш мумкин. Олимлар бу вампир–ба–лиқчага ҳали ном ўйлаб топганлари йўқ ва томоша–бинлардан ВВСнинг интер–нет сайтида таклиф этилган вариантларга овоз бериш–ларини сўраган. Айни пай–тда Паракантома дракула, яъни қонхўр–граф шара–фига қўйилган ном бирин–чиликни эгаллаб турибди.

Вильнюслик супер оила

Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида истиқомат қилувчи автомеханик Стравинска оиласида ўн бешинчи ўғил фарзанд дунёга келди. Ал–батта, бундай «катта оила»га бўлган эътибор ҳам шунга ярашадир. Шаҳар мэрияси бу оилага 5 минг лит (тахминан 50 минг рубл атрофида) пул ажратди. Бир фармацевтик фирмаси ҳам қараб тургани йўқ, фирма раҳбарияти бо–лалар соғлиғи учун бир йил–лик бепул дори–дармонлар билан оилани таъминлайди–ган бўлди. Ҳозирда бу су–пероилада ўн тўрт ўғил ва бир қиз ўсиб улғаймоқда. Катта ўғил 23 ёшда бўлиб, у олийгоҳда ўқийди.

«Ноёб» топилма

Дунёдаги энг йирик су–варак Борнео чангалзорла–ридан топилган. Ҳашарот–нинг узунлиги 10 см. Бу чан–галзорга келган бир гуруҳ тадқиқотчилар экспедиция–нинг «ноёб топилмаси»га алоҳида эътибор билан ён–дошишди. Чунки, суварак–ларнинг бундай турига ҳали ҳеч ким дуч келмаган. Ай–нан шу экспедиция давомида Шарқий Калимантан ҳуду–дида илгари маълум бўлма–ган ўсимликлар, қисқичба–қалар, шиллиқуртлар ҳамда балиқларнинг ўзгача турлари топилган.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА тайёрлади.

МАСЛАҲАТХОНА

Агар қонингиз меъёрга тушишини истасангиз, хур–мо ёки олча шарбатидан ичишнинг нафи катта. Бунинг учун уч кун ҳар наҳор оч қоринга шарбат ичиш ке–рак.

• • •

Анжир сутда қайнатиб ейилса, йўтални қолдиради.

• • •

Асал омухта қилинган турп уруғи ошқозон касал–ликларига кор қилади.

• • •

Саримсоқ хомлигича ейилса, ошқозон қуртини ўл–диради.

• • •

Наҳорда оч қоринга ҳар куни оз–оздан исириқ есангиз, жигар хасталиклари, ичак яллиғланиши, қорин дамланиши ва балғамдан халос бўласиз.

• • •

Агар қорнингиз оғриса, турп уруғини сут билан ичиб туринг. Худди шу доривор юздаги сепкилни кетказади.

• • •

Кўкйўталга қўй қорачиғини қайнатиб, қуритиб, ша–кар билан бирга истеъмол қилиш фойда беради.

• • •

Сурункали йўталга қайнатилгн турп ейиш фойда бе–ради.

ЖОНСЎЗ тайёрлади

Дастурхон кўрки

ҚУЛУПНАЙЛИ ТОРТ

Масаллиқ: 6 та тухум, 200 гр. шакар, 250 гр сариёғ ёки маргарин, ичимлик со–даси, 1 ст. қулупнай, 3 ста–кан ун.

Тайёрлаш: Тухум сари–ғига шакар қўшиб аралаш–тириб, сода, сариёғ, ундан хамир қоринг. Хамирни 15 дақиқа тиндириб олиб, гулли қолипда ўртача иссиқлик–даги духовкада пишириб олинг.

Кейин тортнинг устига крем суртиб, қулупнай би–лан дидингизга қараб беза–тинг.

Крем тайёрлаш: Тухум оқи 100 гр шакар билан ях–шилаб кўпиртирилади.

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г – 426. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1502. Сотувда эркин нархда.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи – 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона – 133-67-51, бўлим – 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими – 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00